

Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!

ОНА БАҒРИДАЁҚ ТЎҒРИ ТАРБИЯ ОЛСИНЛАР

Ватан, миллат, дин тушунчалари инсон учун ҳар нарсадан азиз ва муқаддасдир. Шунинг учун ҳам динимиз таълимотида Ватан ҳимояси, миллат фаровонлиги ва дин равнақи йўлида фидойи бўлган кишиларга буюк мақомлар берилиши таъкидланган.

Сўнгги йилларда халқимизнинг диний билими ва маданияти равнақ топишида ҳар доим аёллар орасида юрадиган, одамларимизнинг яхши-ёмон кунларида ёнида турадиган отинийларнинг ҳам ҳиссаси катта. Маърифатли, муомалали, диний ва дунёвий билимларни, кўпчилик билан муносабат ўрната олиш тажрибасини пухта эгаллаган отинийларимиз ёшлар тарбияси, оилаларнинг мустаҳкамлиги, аёл-қизларнинг илмли, ҳунарли бўлиши, уларнинг дунёқараши кенгайиши каби масалаларда астойдил жонкуярлик қилмоқда.

Шу билан бирга, таълим-тарбия соҳасида ҳам катта имконият эшиклари очилди. Ёшлар учун ташкил этилган билим даргоҳлари кўпайиши баробарида уй бекаси бўлган аёл-қизларимиз ҳам Қуръон ва тажвид курсларида хоҳ қатнаб ўқиб, хоҳ онлайн дарс олиб, илмли оналарга айланмоқдалар. 2018 йилдан очила бошлаган

курслар сони бугунга келиб 28 тага етди. 20432 нафар аёл-қиз ўқув курсларини муваффақиятли тамомлади. Ҳозирда 2655 нафар аёл-қиз мазкур курсларда таҳсил оляпти, яна 14603 нафари навбатда турибди. Курсда муаллималар талабаларга нафақат тажвид қоидалари, айни пайтда одоб-ахлоқ, ҳаё-и-бо, саҳобиялар ҳаётидан ибрат

Ислом дини эркаклар билан бир қаторда аёлларни ҳам маърифатли бўлишга тарғиб этади. Қуръони каримнинг умумий маънода келган оятлари эркакларга ва аёлларга бирдек тааллуқли бўлгани жиҳатидан: **“Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!”** (Тоҳа сураси, 114-) оятидан ҳамда **«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз»** (Имом Ибн Можса ривояти) ҳадисига мувофиқ аёллар ҳам илмларини ошириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқлари лозим.

лар, оилада аёлнинг вазифалари каби мавзуларда ҳам билим беришмоқда.

Бу рақамлар нимадан дарак? Ватанимизда билим олиш учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинаётгани, муҳтарама аёл-қизларимизнинг илмга, Қуръонга, Ҳаққа, ҳақиқатга бўлган муҳаббати ифодаси булар!

Бугунги кунда республика-мизда “Ҳадичаи Кубро” ва “Жўйбори Калон” аёл-қизлар

ўрта махсус ислом билим юртлари фаолият юритмоқда. Бу ўқув даргоҳларига кириш учун ҳар йили минглаб аёл-қизлар имтиҳон топширади. Натижада битта ўринга деярли 71 нафар абитуриент даъвогарлик қилади.

Хуллас, юртимиз аёллари ўрта махсус ўқув юртлари ва Қуръон курсларидан олган фойдали илмларини, одобларини фарзандларига ўргата бошлади. Яъни, илм ўқиган, китоб кўрган аёлнинг тафаккури ўзгаради, дунёқараши кенгайди. Бунинг натижасида фарзанд тарбиясига муносабати ҳам зиёлиларга хос бўлмоқда: ўғил-қизларига юртга, Ватанга, миллатга, динга муҳаббатни, истиқлол неъматининг қанчалар қадрли эканини ўргатмоқда. Бу эса келажак авлоднинг онаси бағрида эканиданоқ тўғри тарбия олиб ўсишини таъминлайди.

Шу нурафшон кунларимизда биз учун олис мозий, буюк аجدодларимиз мероси ва 32 йил мобайнида босиб ўтган йўлимизга назар ташлаб, муқаддас Ватанда яшаётганимизга шукроналар келтиришимиз шарт.

**Шайх Нуриддин
ХОЛИҚНАЗАР,**

*Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий*

Мундарижа

Она бағридаёқ тўғри тарбия олсинлар	1
Эр оилада раҳбардир	3
Ҳақ таоло талаби – жамият саодати	4
Васвасадан қандай сақланамиз?	5
Жамиятга таҳдид солувчи иллат	6
Эй қизим!	8
Нифоснинг энг кўп муддати 40 кун	9
Уҳудда Набий алайҳиссаломни ҳимоя қилган аёл	10
Жаннат ҳаётининг завқи	12
Уйларимизнинг бекалари	13
Фирибгарлик, рибо ва қимор шартлари бор амал ҳаромдир	14
Ирим-сиримлар шайтоннинг тузоқлари	16
У зотни севишга буюрилганмиз	17
Бола суймас келинлар	18
О'унаymiz, kulamiz, lekin Payg'ambarimiz sevgisini unutmaymiz	20
Китоб – ўзликни англаш воситаси	22
Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли	24
Японча тарбия усули	25
Фожианинг асл сабабчиси ким?	26
Ўгай она	28
Ё насиб!	30
Ўтириб, илиқ сув ичинг	32



Эр оилада раҳбардир

Таҳлиллар бугун юзага келаётган кўп-лаб оилавий муаммолар, ажримлар оилада эркак ўз масъулиятини яхши билмаслиги оқибатида рўй бераётганини кўрсатмоқда.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“Эрлар хотинлари хожасидир, раҳбаридир...”** (Нисо сураси, 34-оят). Раҳбар қўл остидагиларни адолат билан бошқарувчи киши деганидир.

Раҳбар: “Нима қилсангиз – қилинг!” дея қўл остидагиларни ўз ҳолларига ташлаб қўймайди. Аллоҳ таоло зиммасига юклаган масъулиятни адо этади. Ҳеч қачон бир тарафнинг – на онасининг, на жуфти ҳалолининг ёнини олмайди. Масалаларни адолат билан ҳал этади.

Бир умр бирга ҳаёт кечирадиган аёлини ҳурмат қилади, уни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлайди.

Эркак аёлнинг асоссиз хоҳишларини, динимиз талабига мос тушмайдиган истакларини рад этиши керак.

“Сендан кутаётганим нафсимнинг ҳою ҳаваси эмас, Аллоҳ таолонинг амрларига, Расулининг суннатларига му-



вофиқ яшаш”, дейиши лозим. Бунинг учун, аввало, ўзи динимиз талабларини пухта билиши зарур. Шунда ўз масъулиятини онаси ёки аёлининг елкасига юклагандан ўзи адо этади.

Эр аёлига бундай насиҳат қилиши керак:

– Сени Аллоҳ таоло омонат қилиб берди. Сен менга итоат қилишга буюрилгансан. Уйимнинг сирини бошқалар билишини истамайман. Бегоналар бошқарувимга аралашишларини хоҳламайман. Болаларимнинг олдида тортишишни, уларни ўз томонингга оғдиришингни, улардан фойдаланишингни истамайман.

Барча амалларни Аллоҳ

таоло ризосини кўзлаб қил, У муносиб ажр беради.

Ҳар бир эр-хотин шуни билиши керак: кўп гапирган ютмайди, доим ўзининг айтгани бўлишини истаган инсон ёқтирилмайди, атрофдагиларни ўзидан бездиради. Бир-бирингиздан ранжиманг, аксинча, меҳр беринг.

Кимга нафси ҳоким бўлса, адашади. Қуръони каримни, шариатни йўлбошчи қилганлар фойда кўради. Ҳаётингизни ана шу ме-

зонга мос ҳолда ўтказсангиз, ҳеч қачон надомат қилмайсиз.

Оила каттасининг маслаҳатини қабул қилинг, хизматини адо этинг, кўнглини олинг. Майда-чуйда жанжаллар сабаб бу дунё ҳаётини ҳам, охиратни ҳам жаҳаннамга айлантирманг.

Кечиришни билинг! Кечирган кечирилади.

Ҳаётга нима учун келганимизни унутмайлик, ўрнимизни билайлик.

Елкасига оғир масъулият – раҳбарлик юкланган ўғлимизга, завжимизга ёрдамчи бўлайлик, дуо қилайлик. Раббимиз барчамизга тавфиқ берсин!

Нигора МИРЗАЕВА
тайёрлади.

Ҳақ таоло талаби – жамият саодати

Баъзи инсонлар “Шариатимизда қиз болани тезроқ эгасига топшириш керак дейилган”, деган нотўғри тушунчада юрадилар.

Ислонда балоғатга етмаган, турмушга тайёр бўлмаган ўсмир қизларни узатиш лозим, деган гап йўқ. Динимизда инсон саломатлигига катта эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан, аввало, турмушга чиқаётган қиз, турмуш қураётган йигит соғлом бўлиши керак. Ана ўшанда фарзанд ҳам соғлом бўлиб туғилади. Натижада миллат соғ, уммат кўркам бўлади.

Эрта турмушга чиққан қизларнинг аксариди камқонлик, камқувватлик кузатилади. Шифокорлар бу ҳол келинларнинг узок вақт бўйида бўлмаслиги, ҳомиладорлик оғир кечиши, гўдаклар нобуд бўлиши ёки ногирон туғилиши, туғуруқдан кейинги турли асоратларга, ҳатто бепуштликка олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди.

Масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, Президент қарори билан 2019 йил 1 сентябрдан қизлар учун никоҳ ёши ўн саккиз этиб белгиланди. Эрта никоҳ, кўпинча қатор муаммоларни келтириб чиқариб, оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг бузилиш сабаб бўлди. Бунга эса икки томон, яъни келин-куёвнинг никоҳ илм-одобидан, оилавий муносабатлардан беҳабарлиги са-

баб бўлади.

Турмуш қуриш учун ёшлар жисмонан, руҳан ва маънан соғлом бўлиши керак. Эрта турмуш қуришда қиз боланинг мустақиллиги ва эркинликлари чекланади. Бунинг оқибатида улар оилада юз берадиган муаммолар ечимини тўғри ҳал этишда қийналади,

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Бир-бирини яхши кўрган (йигит ва қиз) икки-си учун (орадаги муҳаббатни зиёда қилишда) никоҳга тенг келадиган (бошқа нарса)ни топа олмайсиз” (Ибн Можжа ва Ҳоким ривоят қилган).**

дунёга келган фарзандларини парваришлаш ва тарбиялашда қийинчиликларга дуч келадилар. Афсуски, айрим ота-оналар ўз орзу-ҳавасларини устун қўйиб, фарзандларини эрта никоҳга ўз қўллари билан топширадилар. Эрта никоҳ эрта ҳомиладорликка олиб келади. Эрта ҳомиладорлик эса оғир кечиши, туғиш жараёнида она ва боланинг соғлиги хавф остида қолиши мумкин. Шунга қарамай, бундай ҳолатлар қишлоқ жойларда кўп учрамоқда. Ҳатто саккизинчи-тўққизинчи синфда ўқийдиган қизларни ҳам “нишонли” қилиб қўйишмоқда. Бу эса ўз навбатида қизларнинг руҳиятига таъсир кўрсатмасдан қолмайди...

– “Нишонли қилиб қўйиш, “нон синдириш”, “сирға тақиш”

деган гаплар шариатда йўқ. Ота-оналарнинг орзу-ҳаваси ортидан пайдо бўлган бундай урф-одатлар ёшларни гуноҳ ишларга рағбатлантиради. Яъни, йигит ва қиз энди эр-хотин бўлар эканмиз, дея бири иккинчисига номаҳрам бўлгани ҳолда тез-тез кўришиб юраверишади. Ҳатто бундан-да илгари кетадиган ҳоллар ҳам учраб туради, – дейди Фарғона вилояти бош отинойиси Ҳилола Комилова.

Эътиборли бўлайлик, азизлар, она ва фарзанднинг маънан баркамол, жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиши жамиятнинг бахт-саодати, айти пайтда Ҳақ таолонинг талабидир.

Аллоҳ таоло муҳтарама оналаримизни соғ-саломат айлласин, азиз фарзандларимизни Ўзининг ҳифзу ҳимоясида сақласин!

Зебо ОМОНОВА



Васвасадан қандай сақланамиз?

Аллоҳ таоло бандаларини бундай огоҳлантиради: **“Албатта, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутингиз! У ўз фирқасини (ўзига эргашганларни) дўзах аҳли бўлишга даъват қилур”** (Фотир сураси, 6-оят); **“Эй иймон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашмангиз! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, (шайтон) бузуқлик ва ёвузликка буюрур”** (Нур сураси, 21-оят).

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳдан: “Шайтон ухлайдими?” деб сўрашди. У зот: “Агар ухлаганида хотиржам бўлардик”, деб жавоб берди.

Шайтоннинг мақсади – инсонни ҳидоят йўлидан адаштириб, залолатга бошлаш. Шундай экан, Иблис васвасасидан сақланиш учун унинг тузоқларидан огоҳ бўлиш зарур. Аллома ибн Муфлиҳ Мақдисий раҳимахуллоҳ айтади: “Шайтон мўминларга тузоқ қўяди: ибодатдан чалғитади, беҳуда ишларга чорлайди, кичик гуноҳларни қилдиради, катта гуноҳга бошлайди ва охири куфрга етаклайди”.

Шайтон Аллоҳнинг зикридан ғофил қалбни гуноҳ ва маъсиятга етаклайди. Агар қалб Парвардигорнинг зикрида бўлса, шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраса, уни ўзидан узоқлаштиради. Қуръони каримда васвасадан паноҳ сўрашга буюрилади: **“Агар сизни шайтоннинг шарри тутса (васваса қилса), Аллоҳдан паноҳ тиланг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир”** (Аъроф, 200).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Ким ётишдан олдин Оятул курсини ўқиса, Аллоҳ унга шайтонни яқинлаштирмай, сақловчи фариштани юборади”; Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Бақара сураси ўқилган уйга шайтон кирмайди”**, дедилар (Имом Муслим ривояти); Абу Масъуд Ансорий розияллоху анху ривоят қиладики: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва сал-

лам: **“Ким кечаси Бақара сурасининг охириги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилади”**, деб марҳамат қиладилар (Имом Бухорий ривояти). Қуръони каримни тиловат қилиш ва ҳадисда келган дуоларни ўқиш; таҳоратли юриш, намоз ўқиш шайтон васвасасидан парда бўлади.

Қалб қўрғонга ўхшайди. Ихлос билан айтилган зикр уни ёритиб туради. Илм ақлнинг қўрғони ва нафс-ҳавонинг маскани ўртасида яшайди. У ақлнинг қўрғонига қўриқчидир. Шайтон қўриқчини ғафлатда қолдириб, бирон-бир туйнукдан кириб олиш истагида, қўрғон атрофида тинмай айланади. Бунинг учун қўриқчи (яъни, илм) қўриқланиши лозим бўлган барча эшик ва туйнукларни яхши билмоғи, бир лаҳза бўлса-да, эътиборсиз қолдирмаслиги лозим. Чунки душман ўта чапдаст.

Қўриқчига бу ишда қўрғоннинг ҳар тарафида осилган тиниқ кўзгу (яъни, тақво) ёрдамчидир. У қўриқчини атрофида содир бўлаётган катта-кичик ҳодисадан огоҳ этиб, ўзида акс эттиради. Шайтон тутундан (яъни, васваса)дан фойдаланиб, кўзгуни хиралаштиради.

Шайтон қўрғонга бир қанча хужумлар уюштиради. Гоҳида бир ҳамла билан у ерга киришга муваффақ бўлса, баъзида соқчининг хужумидан ортга чекинади.

Агар шамол (яъни, зикр) бўлмаса, шайтоннинг тутуни деворлардаги кўзгуни занглатиб юборади ва у қўрғонни бутунлай эгаллайди. Қўриқчи ғафлатда қолганидан фойдаланиб, уни жароҳатлайди. Асирга олиб, ўз йўриғига солади.

Аллоҳ таоло барчамизни шайтон васвасасидан ўз паноҳида асрасин.

Манбалар асосида
Наргиза МАШАРИПОВА
тайёрлади.

«Айтинг: “Раббим, албатта, фахш ишларнинг ошкораю пинҳонасини, гуноҳ (ишлар)ни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарса(лар)ни Унга шерик қилишингизни ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилди”» (Аъроф сураси, 33-оят).

Аллоҳ таоло инсоннинг жуфт-жуфт бўлиб яшашини ирода қилди. Айниқса, бугунги техника асида ёшларимизни ижтимоий тармоқлардаги фахш ботқоғидан ҳимоя қилишимиз лозим. Ояти каримада ошқорасию пинҳонасидан қайтарилаётганига алоҳида эътибор беришимиз керак. Чунки

иши ҳам айнан фахш балосининг аянчли маҳсулидир. Аллоҳ таоло инсон зотини соф фитрат, тоза хилқат асосида яратган бўлиб, унинг зиммасига ушбу инсоний фазилатларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш масъулиятини юклаган. Юқоридаги оятда мазкур иллат билан бир қаторда ширк, зулм ва тухматнинг оқибатлари ҳақида ҳам хабар берилишининг ўзиёқ бу иллатнинг қанчалик хатарли эканидан даракдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда нимадан қайтарган бўлса, ўша нарсанинг муқобилида ҳалол, покликларни ҳам зикр этган. Фахшдан қайтардим, демак, унинг муқобилида никоҳ деб аталмиш мусаффо илоҳий қонуният жорий этган. Бу эса, ўз навбатида насларимиз баркамоллиги, ижтимоий

Жамиятга ТАҲДИД СОЛУВЧИ ИЛЛАТ

бугун қанча ёшлар ҳеч ким кўрмаяпти, билмаяпти деган тушунча билан ижтимоий тармоқларда ҳатто бошқа номлар билан фахш ва беҳаёликка мубтало бўлмоқда.

Маълумки, жамиятига таҳдид ҳисобланмиш маънавий иллатларнинг энг каттаси фахшдир. Оломон маданияти балоси дунё бўйлаб кенг қулоч ёйиб бораётган паллада келажак авлодимизни бу жирканч иллатдан ҳимоялаш жамият зиммасидаги муҳим бурчдир. Эътибор берадиган бўлсак, фахш кенг тарқалган жамиятларда инсон учун муқаддас ҳисобланмиш вафо, садоқат ва ор-номус каби фазилатлар топталиб, оилалар дарз кетмоқда. Шунингдек, бедаво касалликларнинг урчиши, айрим жамиятларда насллар хароб бўлиб, шифохоналарда майиб-мажруҳ норасидаларнинг кўпай-

алоқаларимизнинг мустаҳкам қарор топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Аллоҳ таоло бундай дейди:

“Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фахш ва ёмон йўлдир” (Исро сураси, 32-оят).

Мазкур оятда зино қилманглар, дейилмаяпти. Балки яқинига борманглар, дейилмоқда. Ёнғин учун ўта хавфли бўлган нефть маҳсулотларининг яқинига олов билан бориш хатарли бўлганидек, фахш оламига яқинлашиш инсонни ўз домига тортиб охир-оқибат инсонийликдан чиқиб кетишидек хатардан огоҳлантирмоқда. Фахш билан ўйнашаётганлар дастлаб ундан келадиган қалб оғриқларини баданларида ҳис қилиб кўришлари лозим.

Абу Умома Боҳилий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Қурайш қабиласидан



бўлган бир йигит Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб шундай деди: «Эй Расулуллоҳ! Менга зино қилиш учун рухсат беринг!» (Шаҳватнинг кучлилигидан сабрим етмаяпти, дегандек).

Унинг бу сўзларини эшитган айрим саҳобалар (бундай очиқ-ойдин уятсиз талабдан ғазабланиб) йигитга (қаттиқ) танбеҳ бердилар: “Маҳ! Маҳ!” (“Жим бўл!”, “Нима деганинг бу?!”, “Ўчир овозингни!” деганга ўхшаш маънони ифода этадиган сўз). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса йигитга қараб:

– **Яқинроқ кел**, – дедилар. Йигит узотнинг ёнларига келиб ўтирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан сўрадилар:

– (Шу ишни) **онанг учун яхши кўрасанми?** (Онанг зино қилишини истайсанми?)

Йигит жавоб берди:

– Аллоҳга қасамки, йўқ! Жоним сизга фидо бўлсин! (Эй Расулуллоҳ, онамнинг бундай ишга яқинлашишини асло хоҳламайман!)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

– (Бошқа) **одамлар ҳам ўзларининг оналари учун** (оналаридан бундай иш содир бўлишини асло) **яхши кўрмайдилар!** Расулуллоҳ йигитга яна савол билан юзландилар:

– **Қизинг учун яхши кўрасанми?** (Қизинг зино қилиши сенга ёқадими?)

– Аллоҳга қасамки, йўқ! Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ!

– (Бошқа) **одамлар ҳам ўзларининг қизлари учун** (қизларидан бундай иш содир бўлишини асло) **яхши кўрмайдилар!**

Опа-синглинг учун яхши кўрасанми?

(Синглинг зино қилиши сенга ёқадими?)

– Аллоҳга қасамки, йўқ! Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ!

– (Бошқа) **одамлар ҳам ўзларининг сингиллари учун** (опа-сингилларидан бундай иш содир бўлишини асло) **яхши кўрмайдилар!**

Амманг учун яхши кўрасанми? (Амманг зино қилиши сенга ёқадими?)

– Аллоҳга қасамки, йўқ! Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ!

– (Бошқа) **одамлар ҳам ўзларининг аммалари учун** (аммаларидан бундай иш содир бўлишини асло) **яхши кўрмайдилар!**

– **Холанг учун яхши кўрасанми?** (Холанг зино қилиши сенга ёқадими?)

– Аллоҳга қасамки, йўқ! Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ!

– (Бошқа) **одамлар ҳам ўзларининг холалари учун** (холаларидан бундай иш содир бўлишини асло) **яхши кўрмайдилар!**

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (муборак) қўлларини йигитнинг кўксига қўйиб (қуйидаги сўзлар билан Аллоҳга) дуо қилдилар:

“Эй Аллоҳ! Ўзинг бу йигитнинг гуноҳ(лар)ини кечиргин, қалбини поклагин, авратини (ҳалол турмуш ила) ҳимоя этгин! (Зино ва барча фаҳш ишлардан узоқ қилгин)”.

Абу Умома розияллоҳу анҳу айтади: “Шундан сўнг бу йигит ҳеч нарсага (ҳеч қандай номаҳрам аёлга) мутлақо бурилмас (назар ташламас) эди!» (Имом Аҳмад ривояти).

Ўткир УМИРҚУЛОВ,
ЎзХИА магистранти



Шайх Али ТАНТОВИЙ

Эй қизим!



(Давоми. Бошланиши
ўтган сонда.)

Эй қизим! Сиз бизга Худо берган буюк неъматсиз. Бунинг шукрини адо қилиб тугатолмаймиз. Шу билан бирга, биз учун омонат ҳам сиз. Аллоҳ сизни фариштадек пок ҳолда берди, биз ҳам сизни ўз эгангизга худди шундай топширишимиз керак, акс ҳолда омонатга хиёнат қилган бўламиз. Шу боисдан ҳам сизни гўзал ҳолатда тарбия қилишимиз зарур. Баъзан моддий жиҳатдан камчиликка йўл қўйсақ ҳам, маънавий томондан кам қилмаймиз.

Эй қизим! Ота-онангиз етмаган даражаларга етинг. Қуръон ва ҳадисда мақталган буюк аёллар билан қиёматда бирга бўлинг. Марям, Осиё, Хадича, Ойша ва Фотима оналаримизга ўхшашга ҳаркат қилинг. Олима бўлинг, олимларга она бўлинг. Кўзингиз фақат Аллоҳнинг йўлида ёшлансин.

Эй қизим! Ота-онанинг фарзандга қилган дуоси пайғамбарнинг умматга қилган дуоси кабилдир. Сиз менга ишонинг, Аллоҳнинг “Ижобат қиламан!” деган сў-

зига ишонинг. Сизнинг ва менинг Парвардигорим покиза ниятларни рўёбга чиқарувчи Зотдир! Ҳаммасини Аллоҳга топширинг!

Эй қизим! Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам дўзах аҳли эркаклардан кўпроқ аёллар бўлиши хабарини берганлар. Бунинг сабаби эса тилларини ғийбат ва лаънатдан тиймаслик ҳамда эрларига итоат қилмаслиқдир. Сиз ўшалардан бўлиб қолманг, бу иллатлардан сақланинг. Улардан ҳазар қилинг. Ғийбатнинг шарпаси сезилса, дўзах оловини эсланг.

Эй қизим! Жуда кўп аёллар ғийбат балосига мубтало бўлишган. Бирортасининг камчилиги ҳақида гапирмаса, нафаси етмаётгандек бўлади. Ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг, бир инсоннинг айбини у йўқ бўлган мажлисда гапириш ғийбат бўлади. Агар ўзи бор бўлса, изза қилиш, уялтириш бўлади. Ҳар иккисидан ҳам узоқ бўлинг!

Эй қизим! Бировнинг нуқсонини гапиришдан ўзингизни тийинг, бундан нима фойда? Шуни билингки, бу билан унинг айби камайиб қолмайди, аммо сизнинг айбингиз кўпаяди. Биз бу дунёга одамларга баҳо бергани келмаганмиз. Ҳисоб қилувчи Зот ҳисоб қилиб олади, сиз ҳеч кимни ҳисоб қилманг, хулоса чиқарманг, устидан ҳукм ўқиманг. Сиз одамларнинг устидан қози эмассиз. Кимни ғийбат қилсангиз, ўз са-

вобларингиз билан уни баҳраманд қилиб унинг гуноҳларини ўзингизга оласиз. Хужурот сурасининг 12-оятида эса, ғийбат қилиш ўликнинг гўштини ейиш билан бир экани зикр қилинган.

Эй қизим! Ғийбат мажлисларидан узоқ бўлинг. Чунки уни тинглаш ҳам гуноҳ. Агар у ерни тарк қилинмаса, ғийбат қилганлар билан баробар гуноҳкор бўлади. Икки кишиликми, ўн кишиликми, ғийбат аралашган ҳар қандай мажлисдан узоқлашинг. У ерда қолишга мажбур бўлсангиз, уларни ғийбатдан қайтаринг. Насиҳатингизни олишмаса, қулоғингизга қулоқчин тақиб олинг. Аёлларда кўп учрайдиган яна бир иллат лаънатлаш. Ўлгур, фалон бўлгур оёқ-қўлинг сингур, итдан тарқаган ва яна бир балолар деб ташлашадики, нима деётганларини ўзлари билиш майли. Бу сўзлар ҳавога учиб кетмайди, амал дафтарига ёзилиб, қиёматда дўзахга юзтубан ҳолда судралишларига сабаб бўлади. Агар охиратдан умидингиз бўлса, ҳеч кимни лаънатланг, ҳеч кимни

сўкманг ёмонларнинг ҳаққи-га Аллоҳдан инсоф сўраб, дуо қилинг. Тилингиз фақат яхши сўз айтсин, бўлмаса жим бўлсин. Шундагина дунё-ю охиратда нажот топасиз, Иншоаллоҳ!

(Давоми бор.)

Таржимонлар:
Иймон Али
КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ



Нифоснинг энг кўп муддати

40 кун

Нифоснинг энг узоқ муддати қирқ кундир. Қирқ кундан ўтиб келган қон истиҳоза ҳисобланади. Табиблар айтишича, аксар аёлларда нифос йигирма тўрт кун бўлади. Аёл боласини эмизмаса, бу муддат узайиши мумкин, лекин қирқ кундан ошмайди.

Нифос қони қирқ кунда тўхтамаса, аёлнинг бачадонида йўлдош қолиб кетгани ёки бачадон табиий ҳолатда олдинга қараб туриш ўрнига орқага ўгирилиб қолгани ёки бачадонда шамоллаш, яллиғланиш борлигига далолат қилади.

Агар аёлнинг нифос қони йигирма кунда тўхтаб, ўн беш кун тоза юрса, кейин яна қон кела бошласа, қон тўхтаган ўн беш кун ҳам нифос ҳисобланади. Агар шу ҳолда қирқ кундан ошиб кетса, қирқ кундан ўтгани нифос бўлмайди.

Агар аёлнинг нифосдаги одати йигирма беш кун бўлса, кейинги фарзандда нифос қони тўхтамасдан қирқ кундан ўтиб кетса, олдинги одат кунлари, яъни йигирма беш кун нифос ҳисобланади. Ундан ўтиб кетган кунлари истиҳоза бўлади. Бу ҳолда йигирма беш кундан кейин ўқимаган намозларининг қазосини ўқийди.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам айтдилар: **“Нифоснинг муддати, олдинроқ тоза бўлиб қолмаса, қирқ кундир”.**

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Нифосдаги аёл қирқ кун кутади. Агар қирқ кундан олдин қони тўхтаса, пок бўлади. Агар қон келиши қирқ кундан ошса, ошгани истиҳоза бўлади. Ғусл қилиб, намоз ўқийди. Агар қони тўхтамай келса, ҳар намоз учун таҳорат қилади”.**

Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, бир ой (Рамазон) рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат этса, унга: «Жаннатнинг қайси эшигидан хоҳласанг, киравер», дейилади»,** деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳайз нифос кунларидаги поклик қони ҳукмидадир

Ҳайз ё нифос кунларидаги поклик давом этувчи қон ҳукмида бўлади. Икки ҳайз орасидаги покликнинг энг оз муддати ўн беш кундир.

Ҳайз кунларида бир неча соат ё бир кун ёки ундан кўпроқ вақт қон кўрмай қолган бўлса-да, ҳайз ҳисобланади. Чунки ҳам-

ма аёлларнинг одатида ҳайз қони узлуксиз келмайди, тўхтаб келади. Масалан, аёл икки кун ҳайз кўрса, кейин уч кун қони тўхтаб, сўнг яна бир кун қон келса, унинг ҳайзи олти кун бўлади.

Аёл ҳайз кунларида қони бир ёки ундан кўп намоз вақти муддатида тўхтаса, ўша тўхтаган вақтда ғусл қилиб, намоз ўқиши вожиб бўлмайди.

“Ҳайз ва нифос илмидаги олмос тожлар” китобидан

Юлдуз АСҚАР қизи таржимаси



Уҳудда

Набий алайҳиссаломини ҳимоя қилган аёл

Умму Аммора Ақаба байъатида қатнашган ғайратли, қўрқмас, ибодатли саҳобия эди. Имом Заҳабий унга бундай таъриф берган: «Умму Аммора Нусийба бинти Каъб ибн Амр ибн Авф ибн Мабзул бўлиб, фозила, шижоатли ва жасоратли ансор аёли эди».

Умму Аммора Ақаба кечасида бўлиб ўтган байъатда қатнашганди. Уҳуд, Ҳудайбия, Ҳунайн ва Ямома воқеалари шоҳиди бўлиб, жангда довюраклиги билан танилган. Жангда қўлидан айрилган жасур аёл эди, шунингдек, у бир қанча ҳадислар ровийси ҳамдир.

Умму Аммора Зайд ибн Осим билан турмуш қуриб, Абдуллоҳ ва Ҳабиб деган икки ўғил кўрган. Шу икки фарзанд ҳам Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга саҳоба бўлиш шарафига

эришди. Зайд ибн Осим вафотидан кейин унга Ғазийя ибн Амр Мозаний деган киши уйланди. Бу турмушдан Хавла деган фарзанд дунёга келди. Бу қаҳрамон аёлнинг оиласи ва болалари Ислонда катта обрўга эга кишилар бўлиб етишди.

Умму Амморанинг фазилатлари ва улуғворлигини қалам васф этишдан ожиз. Дарҳақиқат, Аллоҳ унга кўпдан-кўп мукаррам хислатларни инъом этган эди. Унга “аёл” деган маънода қарасангиз, ҳақиқатда у эрининг ҳақларини яхши биладиган аёлдир. Уни “она” деб васф этмоқчи бўлсангиз, ҳақиқатда у меҳрибон ва ғамхўр онадир. Унинг Аллоҳга ибодати ҳақида сўз айтмоқчи бўлсангиз, ҳақиқатда у рўздор, кечалари ибодат қиладиган, тилидан Аллоҳнинг

зикри тушмайдиган зоҳидадир. Унинг жасорати бора-сида сўз очмоқчи бўлсангиз, уни Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламни ҳимоя қилган жасур аёл тимсолида кўрасиз. Шу боис ҳам бу улуғ фозила саҳобия ҳақида гапирганда сўзни нимадан бошлашни билмай қоласиз.

Тарихнавислар ва сийрат котиблари сўзига қараганда, улуғ саҳобия Умму Аммора Ислон тарихидаги илк жангчи аёл сифатида танилди.

Энди сўзни унинг ўзидан эшитайлик. Аммора ибн Ғазийя айтади: «Бизга Умму Аммора бундай деган эди: «Қарасам, Расулуллоҳ атрофларида одам йўқ. Бор-йўғи ўн кишидан ошмайдиган ҳимоячи қолибди, холос. Икки ўғлим ва эрим билан у зот-



ни ҳимоя қилиб бўлиб турдик. Одамлар у зотни ёлғиз ташлаб кетиб борарди. Шунда у зот қалқоним йўқлигини кўриб, қочаётган бир одамга: «Эй сен, қалқонни жанг қилаётганларга қолдириб кет», деб бақирдилар. У қалқонини ташлади. Мен уни олдим. Ўша билан Расулуллоҳни ҳимоя қила бошладим. Бизга отликлар кўп талафотлар етказди, агар улар ҳам ўзимизга ўхшаган пиёда бўлганида ўзимиз билардик, иншоаллоҳ! Бир отлик учиб келиб менга зарба берди, зарбани қалқон билан қайтардим. Менга шикаст етмади. У орқага бурилган пайтда фурсатни бой бермай отининг оёғига қилич солдим, отлик орқаси билан ерга учиб тушди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Умму Амморанинг, ўғли, онангга қара, онангга» деб қичқирдилар. Ўғлим дарҳол душманни даф қилиш учун менга ёрдамга шошилди. Шу тариқа отликни жаҳаннамга жўнатдик».

Абдуллоҳ ибн Зайд айтади: «Ўша куни қаттиқ яраландим, жароҳатимдан оқаётган қон тўхтамасди. Расулуллоҳ менга: «Ярангни боғлаб ол», дедилар. Онам олдимга келиб, қопимдан боғич латталарни олиб, уни боғлаб қўйди. Пайғамбар алайҳиссалом бизни кузатиб турар, онам ярамни боғлаб бўлгач: «Эй Умму Аммора, сенинг тоқатинг етган ишга кимнинг ҳам тоқати етар-

ди?!», деб мақтадилар. Шунда мени яралаган киши яна бир нарсани қасд этгандек онамга яқин кела бошлади. Расулуллоҳ: «Бу ўғлингга жароҳат етказган киши», дедилар. Шунда онам дарҳол унга қарши чиқиб, болдирига қилич солган эди, чўккалаб ўтириб қолди. Қарасам, Расулуллоҳ унинг бу ишига кулиб қараб турган эканлар. Ҳатто озиқ тишлари кўриниб турарди. «Сен ўчингни олдинг, эй Умму Амора», дедилар. Сўнг биргаликда зарбеган душманга ташланиб, жонини танидан жудо қилдик. Иш бизнинг фойдамизга ҳал бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сени ғолиб қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» дедилар.

Умму Амморанинг ҳар бир иши зарбулмасалга айланиб кетган эди. У ибодатга берилган, парҳезкор, Аллоҳ азза ва жалланинг етказган қазосига итоат этувчи аёл эди. Мана, у ҳозир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мусайламатул каззобга элчи қилиб жўнатган севиқли ўғли Ҳабибнинг ўлимига сабр қилиб ўтирибди. Элчига ўлим йўқ деган қадимий одатга хиёнат қилган Мусайлама Расулуллоҳнинг элчисини ўлимга ҳукм этганди.

Ҳабиб розияллоҳу анҳунинг шаҳид этилгани ҳақидаги хабар ҳамма жойга тарқалди. Бу хабар Умму Аммомага етиб боргач, у Аллоҳ-

га бундай аҳд берди: «Мен Мусайламани қатл этаман ёки унинг қўлида жон бераман».

Расулуллоҳ алайҳиссалом вафотларидан кейин баъзи араб қабилалари диндан қайтди. Шунда халифа Абу Бакр муртадларга қарши уруш очиб, уларни Аллоҳнинг динига қайтариш учун лашкар жўнатди. Шунда Умму Аммора Ямомага кетаётган лашкар билан чиқиш учун Абу Бакрдан рухсат олди. Бундан мақсади сеvimли ўғли Ҳабиб учун Мусайлама каззобдан ўч олиш эди. Ёши олтмишдан ўтиб қолган Умму Аммора Аллоҳнинг душманлари билан жангни кузатиб турди. Муртадлар билан жанг қаттиқ бўлди. Аллоҳ таоло Ямома жангида Мусайлама каззобнинг ҳаётига нуқта қўйишни мусулмонларга насиб этди.

Умму Аммора ўша бадбахтнинг итдек қатл этилганини кўриб, Аллоҳга шукр саждасини адо этди. Ўз танига етган жароҳатларни ҳам унутди. У Ямома кунида бир қўлидан жудо бўлган эди. Умму Аммора Мадинага қайтгач, Абу Бакр Сиддиқ ўз кўзи билан аҳволини кўриб, кўнгли хотиржам бўлиши учун олдида борди. Зеро, у Расулуллоҳ саҳобалари қалбида юксак ўрин эгаллаган эди.

*Манбалар асосида
Шаҳноза ЭРАЛИЕВА
тайёрлади.*



Жаннат

ҳаётининг завқи...

Оилада жуфтлар орасидаги муҳаббат ва муомала қандай бўлиши керак?

Ҳар бир оилали инсон – хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак оила одобига амал қилишга мажбур. Аёл турмуш ўртоғининг розилигини олишга ҳаракат қилганидек, эркак ҳам зиммасига юкланган масъулиятни ўрнига қўйиши шарт. Бироқ оиламни хурсанд қиламан, дея қарзга ботиши ўринли эмас. Бундай ҳол ҳам исрофга йўл очади, ҳам келажақда аввалига эр-хотиннинг, сўнг эса бутун оиланинг орасини бузади. Чунки руҳий ҳолати ёмонлашган оила бошлиғининг асабийлиги бошқаларга ёмон таъсир қилади. Афсуски, ҳашаматли

ҳаётга интилиш кўп ҳолларда оилаларнинг фожеасига сабаб бўлмоқда.

Молиявий имкониятлари юксак бўлгани ҳолда намозларини адо этиб, рўзасини тутиб, эҳсонлар қилиб, закотларини бериб яшайдиган кўплаб оилаларни биламан. Улар исрофдан қочиб, ўртамиёна ҳаёт кечирадилар ва ҳар доим Аллоҳнинг розилигига эришиш ниятида бўладилар. Еб-ичишда ҳам, кийим-кечақда ҳам, ҳаёт тарзида ҳам ўртаҳолликни ирода қиладилар. Аксинча, молларини эзгу ишларга сарфлашни афзал биладилар. Аллоҳнинг розилигини кўзлаб яшаётганлари сабабли уларнинг ҳар ҳолларида мамнуни-

ят кўзга яққол ташланиб туради. Қўни-қўшнилар ва бева-бечоралар билан гўзал муомала қиладилар.

Оилали эркак ҳар куни уйига ўз вақтида қайтиши, оиласи бағрида бўлиши керак. Ҳеч қачон ишни баҳона қилиб, болаларни, оиласини эътиборсиз қолдириши мумкин эмас.

Бугун оиласини, аёлини болалари билан қолдириб, ўзлари кафеларда кечалар уюштирадиганлар, чойхоналарга танда қўйганлар кўп.

Бунга муқобил равишда аёллар ҳам эрларининг келиши олдидан гўзал либосларини кийган ҳолда муаттар ҳидлар билан, очиқ чехра билан қаршилаб, уларга чиройли хабарлар бериши лозим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиладилар: **“Аёл беш вақт намозини ўқиса, (йўлда) бир ой (фарз) рўзасини тутса, ўз фаржсини ҳаромдан сақласа ва эрига итоат қилса, унга жаннатнинг истаган эшигидан кир! дейилади”** (Имом Табароний ривояти).

Табиийки, инсон ҳеч қачон бир хил бўла олмайди. Кайфиятсиз пайтлари ҳам бўлади. Бундай чоғда жаҳл устида оғзидан ҳар хил гап-сўз чиқиб кетиши мумкин. Шу вақтда қарши тараф ўша сўзни кўнглига олиб, унга яраша жавоб қайтаришга шошилмаслиги лозим. Сабрли ва кечиримли бўлиши, ҳатто унутиб юбориши энг гўзал хислатдир. Бундай инсонлар ҳам ўзлари, ҳам



қарши тарафдагиларга бу гўзал фазилати билан чиройли дарс бера олади.

Ёмонликлар, аввало, Аллоҳ таолони муносиб таниб олмаганликдан, Унга бўлган муҳаббат ва илмда нуқсон борлиги сабабли юзага келади.

Қайси хонадонда Аллоҳ таолонинг амрларига мос ҳаёт кечирилса, шубҳасиз, бу ердаги ҳар бир инсон жаннат ҳаётининг завқини шу дунёдаёқ тотади. Оила устунни мустаҳкам бўлиб, ҳар бир ҳолларидан завқ олиб яшайдилар, севишдан, севилишдан, таомланишдан, таомлантиришдан, кийинишдан, кийинтиришдан, хуллас, бутун бандалик вазифалардан...

Бойликка мукка тушмайдилар, йўқчиликка сабр қиладилар, бошқаларнинг айбларини ахтармайдилар. Чунки ҳар доим ўз хатоларини топиб, уларни тузатиш билан машғул бўладилар.

Аллоҳ таолонинг амрлари татбиқ этилмаган хонадонларда бақир-чақирлар, тортишувлар, бир-бирларининг дилини оғритиш, жанжал-ғавғолар ҳеч тинмайди. Бундай ҳаётнинг қандай маъноси бор? Жамикки ёмон аҳвол, ачинарли ҳолатлар Ислонинг амрларига амал қилмаган оилаларда кузатилади.

Аёл киши заковатли бўлиши лозим. Оила илмини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилиши зарур. Бунинг ягона чораси турмуш ўртоғига итоатли, меҳрибон ва муҳаббатли бўлиши керак. Сабабли-сабабсиз жанжал чиқариш, кибрли ва адоват сақловчи бўлиш, доимо ўз нафсининг истакларига тобе яшаш яхшиликка олиб бормади.

Аллоҳ таоло барчамизни дунёдалик чоғимизда жаннат лаззатини тоттирадиган ҳузурли оила билан сийласин. Икки дунё саодатини насиб айласин.

Манзура МАМИРОВА тайёрлади.

Уйларининг бекалиги

Баъзи аёлларни уй бекаси десангиз, негадир ёқтирмагандай бўлишади. Бунга сабаб “уй бекаси” бўлишнинг моҳиятига тушунмай, паст назар билан қарашларидир.

Аслида, аёлнинг чинакам латофати уйларида бекалик қилган чоғларида яққол кўринади. Бекалик билан оналик вазифалари яхлит, ажралмасдир. Хотин киши яхши касб-ҳунар эгаллаган бўлса ҳам, уйда бекалигини унутмаслиги керак.

“Уй бекаси эмас” ибораси аёлнинг кўпинча уйдан ташқарида бўлишини ифодалайди, яъни, уй ишларини бажармайдиган, уйига эга чиқа олмаган аёл. Хотин киши қайси касбни эгаллаган бўлмасин, унинг асл, ярашадиган иши уй бекалигидир. Яъни, у боласини эмизади, овқат пиширади, уй ишларини қилади, хотинлик вазифаларини ҳам унутмайди.

Яхши уй бекаси бўлиш осон эмас. Ҳар ҳолда идора ишларидан кўра оғирроқ. Буни “ишловчи” аёллар жуда яхши ҳис қилишади. Аёлнинг табиати бекаликка мослашган. Чунки уй ишлари аёлга завқ ва ҳаяжон беради. Буни идрок этганлар учун бекалик бахту саодат манбаидир. Пиширган овқатини дастурхон атрофида бутун оила жам бўлиб ейиши, эри ва болаларидан миннатдорлик эшитиши, бир она сифатида қадрланиши уй бекасига роҳат бағишлайди.

Уй бекаси йўқни йўндириб, оиласига фойда кўзлайди. Эри ва фарзандларининг истагини ҳисобга олган ҳолда овқат пиширади. Уйни тоза ва тартибли тутади. Тозалик беканинг муваффақият ойнасидир. Озода бека бошқаларнинг ҳам руҳий дунёсини ойдинлатади.

Бундай бекали уйда шовқин-сурон, бақир-чақир бўлмайди. Ширин сўзи ва табассуми билан келишмовчиликларнинг олдини олади. Чинакам уй бекаси қилган ишидан роҳат туйиб, ҳордиқ чиқаради.

Эрлар дунё ишларини бошқаришади. Бекалар уларга энг яхши ёрдамчилардир. Яхши уй бекаларига бериладиган энг катта мукофот эса, икки дунё саодатини сўраб, ҳақларига дуо қилишдир.

Зебунисо ҲУСАЙН қизи



ФИРИБГАРЛИК, РИБО ВА ҚИМОР ШАРТЛАРИ БОР АМАЛ ҲАРОМДИР

САВОЛ: Шариатда безарар ҳайвонни қасддан ўлдирган киши қандай жазоланади? Масалан, бир одам эшакнинг қулоқларини кесиб ташлаши оқибатида жонивор қон йўқотиб, ўлди.

ЖАВОБ: Шариатда безарар ҳайвонни ўлдирган кишилар учун муайян жазо белгиланмаган. Агар ўлдирилган ҳайвон бирор кишининг мулки бўлса, унинг қиймати ўлдирган кишидан ундирилади. Бироқ бир инсон шу ишга одатланиб, одамлар мулкига зарар етказишни бошласа, ҳоким ёки қози тарафидан уни тўғри йўлга қайтариш учун маълум жазо қўлланиши мумкин. Бу “таъзир” дейилади. Бошқа жиҳатдан, шариатда ҳайвонларни қийнаш, зарар бермаса-да, уларни ноҳақдан ўлдириш гуноҳ ҳисобланади. Охиратда азоб берилиши ҳақида ҳадислар бор. Ҳатто бир ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар: *“Бир аёл мушук сабабли (дўзах) азобиға гирифтор бўлди. Чунки уни ўлгунга қадар ҳибс қилиб қўйган. Унга на егулик ва на сув берган. Ёхуд уни ўзи озуқа топиб есин учун ўз ҳолиға ҳам қўймаган”* (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Зулм кўрган ҳайвон (ма-

салан, эшак)нинг золимни қарғаши ва уни Аллоҳ ижобат этиши ҳам бор гап, sinalган ҳақиқатдир.

САВОЛ: Бугунги кунда интернетда турли хил усуллар билан пул топиш авж олиб кетди. Яқинда танишим менга бир таклифни айтиб қолди. Унга кўра, мен қанчадир суммани ҳадя ёки эҳсон қилсам, менга ҳам камида саккиз одам ўшанча суммани ҳадя қилар экан. Мен ҳам саккизта одам қўшсам, оладиган совғам икки баробарга ортар экан. Шу тарзда мен топган одамлар ҳам одам қўшгани сари оладиган ҳадяларим миқдори кўпайиб бораверар экан. Бу дастурга ҳатто закот ва фидя ёки бошқа садақаларни ҳам берса, жоиз эмиш. Саволим шундан иборатки, ушбу дастур орқали пул топиш ҳалолми?

ЖАВОБ: Бу каби ўйинлар ва дастурлар кун сайин кўпайиб, унда иштирок этувчилар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Афсуски, кўп ҳолларда бу каби ўйинларнинг ортида фирибгарлар туради ва улар маълум бир миқдор, яъни ўзлари учун етарли маблағ тўпланганидан кейин бирдан ғойиб бўлиб қолади, унга пул тиккан жа-

брдийдалар кимга ва қаерга мурожаат қилишни ҳам билмайдилар. Чунки одатда бундай фирибгарлар ҳеч қаердан расман рўйхатдан ўтмаган, давлат томонидан ҳеч қандай сертификатга эга бўлмаган ҳолда амалиёт олиб борадилар.

Шариатимизга кўра, муайян миқдорда пул бериб, унинг устига маълум бир қўшимча билан қайтариб олиш бу – рибодир. Рибо эса ҳаром. Юқоридаги ҳолатда улар, гарчи берилаётган маблағни ҳадя ёки совға деб атаса ҳам, аслида ният ҳадя эмас, балки маълум бир маблағни саккиз баробар ёки ундан ҳам ортиқ қилиб қайтариб олишдир. Шундай бўлгач, у нима деб аталса ҳам, рибо ҳисобланади. Худди пора совға ёки ҳадя дейилса ҳам, барибир пора бўлгани каби.

Бундан ташқари, мазкур дастурда молиявий пирамида аломатлари мавжуд. Яъни, сиз саккиз одамни қўшингиз шарт этилмоқда, ўз ўрнида улар ҳам саккизтадан одам қўшишлари керак ва ҳоказо. Бу эса айнан молиявий пирамида бўлиб, у қимор ҳисобланади. Шунга кўра, юқоридаги каби рибо, товламачилик, қимор шартлари топилган ҳар қандай амалиёт ҳаром ва ножоиздир.

САВОЛ: Юзга, қўлга крем сурилган ҳолда таҳорат олса, ўтадим?

ЖАВОБ: Аёллар юзлари-га крем ва лабига лаббўёқ суртган бўлсалар, бу ҳолатда қилинган таҳорат жоиздир.

Шунингдек, баданга турли ёғлар ва кремлар суртилса, бунда ҳам таҳорат жоиз бўлаверади, гарчи бадан ёғ суртилгандан сўнг сувни қабул қилмай қолса ҳам.

“Бир киши икки оёғига ёғ суртиб, сўнг таҳорат қилса ва оёқлари устидан сув юритса-ю, оёқлари ёғлангани учун сувни қабул қилмаса, таҳорати жоиз бўлаверади” *“Фатавойи Ҳиндия”*.

САВОЛ: Таҳоратдан ортиб қолган сувни яроқсиз, деб айтишади. Бу гапни яхши тушунмадим, чиндан ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Таҳоратдан ортиб қолган сув яроқсиз бўлмайди. Балки таҳорат пайтида ювилган аъзодан томган, яъни ишлатилган сув яроқсиз бўлади. Таҳоратдан ортиб қолган сув ҳақида “Ал-Мавсуатул фикҳия” китобида: “Ҳанафий ва шофеъий уламолар таҳорат олинувчи идишда таҳоратдан ортиб қолган сувни ичиш мустаҳаб, деганлар.

Бунга ҳазрат Али розияллоху анхунинг “Набий солаллоху алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар”, деган ривоятини далил қилишган. Камол ибн Ҳумом раҳматуллоҳи алайҳ: “Таҳорат олувчи таҳоратидан қолган сувни тик турган ҳолда, қиблага юзланиб ичади, хоҳласа

ўтириб”, деган. Демак, таҳоратдан ортиб қолган сувни ишлатиш ёки ичиш жоиздир. Ҳатто бундай сувнинг шифо бўлиши айтилади.

САВОЛ: Ҳомиладор аёл сочини кесиши мумкин эмас. Шундай қилса, қорнидаги боланинг умрини кесган бўлади, дейишяпти. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ҳомиладор аёл сочини қисқартириши шаръий жиҳатдан жоиз. Саволдаги гап одамларнинг ирим-сиримидир.

Аллоҳ таоло инсоннинг умрини белгилаб қўйган. Уни соч қирқиш билан камайтириб бўлмайди.

Аёл киши эрининг розилиги билан сочини қисқартирса бўлади. Лекин опа-сингилларимиз сочларини кесишга шошилмасинлар. Чунки динимизда соч аёллар зийнати экани айтилган.

САВОЛ: Куёвим мени уйига чақириб: «Қизингиз билан яшамайман, бола нима бўлса бўлар, олиб кетинг», деди. Мен қизимни уйга олиб келдим. Бироз вақт ўтиб куёв уйланди. Энди қизим ёки мен ундан қизимнинг талоғини сўрасак бўладими? Қизимнинг яшаш нияти йуқ. Маҳрини бермаган. Ажрим бўлса, қизим оила мулкидан бирор нарса талаб қилса, шариатимизга тўғри келадими?

ЖАВОБ: Бундай ҳолатларда талоқ тушиши ёки тушмаслиги эрнинг ниятига боғлиқ. Эр ажралиш

ни (талоқни) ният қилиб: “Мен қизингиз билан яшамайман”, деган бўлса, эр-хотин ўртасига талоқ тушади. Агар ажралиш ниятида айтмаган бўлса, талоқ тушмайди, қизингиз қайта турмушга чиқишидан аввал биринчи эридан талоқ олиб, иддасини тугатиши керак. Сиз ёки қизингиз талоқ сўраши мумкин.

Маҳр бериш эрнинг зиммасидаги вожиб амалдир. Уни адо қилмагунча ёхуд хотини кечмагунча эрнинг зиммасидан маҳр соқит бўлмайди.

Эр-хотин ажрашса, хотин ўзининг мулки ҳисобланган барча нарсаларни уйига қайтариб олиб кетишга ҳақли. Эрнинг мулки эрнинг ўзида қолади. Агар баъзи буюмлар кимнинг мулки экани ҳужжат ва далил билан исботланмаса, бундай ҳолатларда аёлларга хос буюмлар хотинга ва эркакларга хос буюмлар эрга тегишли бўлади. Эр-хотин ва аёлларга ҳам бирдек ишлатиладиган буюмлар эса ўзаро ўртада тақсимланади.

Талоқ қилинган хотиннинг нафақасини унинг иддаси чиққунга қадар эри таъминлайди. Фарзандлар ким билан қолишидан қатъи назар, балоғатга етгунларича (қизлар турмушга чиққунча) уларнинг нафақаси фақат отанинг зиммасида бўлади. Улар қаровсиз ташлаб қўйилса, гуноҳ отанинг зиммасида бўлади.

**Ўзбекистон
мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44**



Ирим-сиримлар – шайтоннинг тузоқлари

Баъзи инсонлар эътиқодлари қанчалик тўғри ёки нотўғри эканига эътибор беришмайди. Мустабид тузум даврида қадриятлар, урф-одатларга кўплаб ирим-сиримлар аралашиб қолгани ҳамон жамиятимизда кўплаб гуноҳ, исроф ва бидъат-хурофотларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Айрим кишилар суннат билан бидъат амалларни ажрата олмасдан, баъзи хурофий ишларни Ислом динидан деб билиб, ҳамон амал қилиб келишмоқда. Бу каби амалларни кўпроқ аёллар қилишади, ҳатто баъзилари хурофот ва ирим-сиримларга шу қадар боғланиб оладиларки, ҳаётларини уларсиз тасаввур эта олишмайди. Бу каби бидъат-хурофот амаллар тўй ва таъзияларда, маросимларда, зиёратгоҳларда ва, албатта, кундалиқ ҳаётимизда ҳам учраб туради.

Энди иш бошлаган кезларим юз берган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Жанозага бордик. Марҳуманинг икки бўй етган қизи оёқяланг ҳолда тобутнинг ортидан югуриб кетишди. Аёлларнинг тобутга эргашиб қабристонга бориши жоиз эмаслигини қанчалар тушунтирсак-да, улар гапга қулоқ солмас, аксинча, бизга

қаттиқ қаршилик кўрсатишарди. Эркакларнинг даккиси билан ортига қайтиб келган қизлар ўшанда бизни уларидан ҳайдаб солишганди.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, Аллоҳ мўмин банда учун нимани тақдир қилган бўлса, ўшанинг учун яхшидир. Агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади, унга яхшилик бўлади. Агар унга хафачилик етса, сабр қилади, унга яхшилик бўлади. Бу фақат мўминларга хосдир”**, деганлар.

Ушбу ҳадисдан ҳар бир мусулмон ибрат олиши керак!

Аллоҳга шукрки, яқин йиллар мобайнида 3, 20, 40, 52, кўк кийиш, уч кун ичида дастурхон тузаш, жонлиқ сўйиш, ҳар хил матоҳ, идишлар тарқатиш, садир айтиб, бақир-чақир қилиб йиғлаш ва шу каби амаллар барҳам топди.

Бироқ “Гуруч курмасиз бўлмайди” деганларидек, баъзан таъзияхоналарда “норасмий отинойи”, “ҳожiona”, мусибат эгаларининг кайвонилари ва узоқдан келган қариндошлари-

нинг нотўғри кўрсатмалари билан баъзи хурофотлар, ирим-сиримларнинг бажарилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Айнан бидъат амаллар яхши ва хайрли ишларнинг кечикишига, инсонлар ҳаётидаги интизомий меъёрларнинг бузилишига ва улар орасида ўзаро фитна, келишмовчиликлар юз беришига сабаб бўлмоқда.

Аллоҳ таолонинг амрлари ва Расулуллоҳ солаллоҳи алайҳи ва салламнинг тавсияларини чиройли муомала, яхши амаллар билан инсонларга етказиш, тушунчалар бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Аллоҳ таоло бандасига неъматларидан сўралиши тўғрисида огоҳлантириб, Қуръони каримда: **“Сўнгра ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласиз”** (Тақосур сураси, 8-оят), деган. Жамиятимизда бидъат-хурофотларга қарши курашиб, исрофгарчиликка чек қўймоғимиз, қолаверса, динимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилмоғимиз керак.

Умида ХОЛОВА,
Навоий вилояти бош
имом-хатибининг
хотин-қизлар масалалари
бўйича ёрдамчиси



У ЗОТНИ СЕВИШГА БУЮРИЛГАНМИЗ

Рабиул аввалнинг мусулмонларга сеvimли бўлишига сабаб бу ойда оламларга раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунёга келганларидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка шаҳрининг Бани Ҳошим маҳалласида, Рабиул аввал ойининг ўн иккинчи санаси, душанба куни тонгда дунёга келдилар. Бу милодий 571 йил 22 апрелга тўғри келади (эски ва янги милодий тақвимлардаги фарқ сабабли манбаларда туғилган саналари турлича келтирилган).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг оталари Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф. Оналари Омина бинти Ваҳб ибн Абдуманоф ибн Зухра ибн Килобдир.

Расули акрам алайҳиссаломнинг муборак насаб шажаралари Исмоил алайҳиссаломга бориб тақалади.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг оталари Абдуллоҳ Маккада Омина бинти Ваҳбга уйландилар. Кўп ўтмай, Пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ Мадинага жўнаб кетадилар. Баъзи ривоятларга кўра, Абдуллоҳ Шомга тижорат билан чиқиб, қайтишда бемор бўлиб, Мадинада қўноқлайдилар. У киши йигирма беш ёшида беморликдан вафот этдилар ва Мадинада дафн этиладилар. Ўша пайтда ҳали Пайғамбаримиз алайҳиссалом туғилмаган эдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом туғилганларида, бир нур чиққани ва Шом қасрларини ёритгани ривоят қилинади (Имом Аҳмад ва Имом Дорамий ривояти).

Олти ёшга етганларида, оналари ҳам Мадина сафари давомида вафот этиб, Абво деган жойда дафн қилиндилар.

Пайғамбаримизнинг оналари вафот этганларидан кейин У Зотни боболари Абдулмутталиб қармоғига олдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом саккиз ёшдан ўтгач, боболари Абдулмутталиб Маккада вафот этдилар. Ўлими олдидан Пайғамбаримизнинг кафолатини ўғли Абу Толибга топширдилар.

Абу Толиб ўз вазифасини мукамал бажаришга ҳаракат қилди. Пайғамбаримизни қирқ йилдан ортиқроқ қўллаб-қувватлади, ҳимоя қилди, У Зот сабабли бошқалар билан хусуматлашди.

Ҳижратдан 13 йил аввал (милодий 610 йилда) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қамарий қирқ ярим ёш (шамсий 39 ёшу уч ойлик) бўлганларида, Аллоҳ таоло У Зотга биринчи ваҳий юборди ва У Зот Набий бўлдилар. Орадан бир неча кун ўтиб, иккинчи ваҳий келгач, Расул бўлдилар.

Пайғамбар бўлиб ўн уч йил Маккада яшадилар. Сўнгра Мадинага кўчдилар, ўн йил Мадинада яшадилар. Йигирма уч йил давомида катта қийинчиликларга сабр-бардош билан Аллоҳ таолонинг динини инсониятга етказишга жидду жаҳд қилдилар. Натижада бир киши билан бошланган Ислом бутун Ер юзига тарқалди.

Набий алайҳиссалом ўн биринчи ҳижрий сана (632 м.й) олтмиш уч ёшда, Рабиул аввал ойининг ўн иккинчи куни, душанба куни чошгоҳ пайти вафот этдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга охириги илоҳий китоб туширилди. У

Зотдан кейин пайғамбар ҳам, илоҳий китоб ҳам келмайди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг буюк мартабаларини баён қилиб, у зотга салавот айтишга буюради: **“Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар. Эй, мўминлар! (Сизлар ҳам) унга салавот ва салом айтингиз!”** (Аҳзоб сураси, 56-оят).

Муҳаммад алайҳиссаломга салавот ва саломлар тилаб дуо қилиш жуда ҳам улуғ, савоби катта иш ҳисобланади. Ҳадиси шарифларда ҳам бунга тарғибот кўп. Уламолар Имом Кархий раҳимахуллоҳнинг сўзларини олиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг номлари қачон зикр этилса, салавот айтиш керак деганлар. Расул алайҳиссаломга бағишлаб ёзилган салавот тўпламлари ичида “Далоилул хайрот” китоби машҳурдир.

Ҳадиси шарифда салавот айтган кишиларга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлиши хабари берилган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дейдилар: **“Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта раҳмат йўллайди”** (Имом Аҳмад ва Имом Ҳоким ривояти).

Ўтган ва замондош уламоларимиз айтадиларки, Мавлиди набийни нишонлаш бидъат эмас. Зеро, биз Расулуллоҳ алайҳиссаломга муҳаббатли бўлишга, у зотнинг йўллариغا эргашишга, доимо у зотга салавот ва саломлар йўллашга буюрилганмиз. Бу амалларни Мавлуд ойида янада кўпайтиришимиз зарур.

**Мастурахон
МАМАЖОНОВА,**

Уйчи тумани бош отинойиси

Бола суймас келинлар

Азиза опа келинининг қилмишидан ҳайрон қолди. Боласини эми-зишни истамайди, “Қома-тим бузилади”, дейди, ўғли эрталабгача болага қараб чиқади. Кундуз куни эса чақалоқни қайнонага ташлаб, уй юмушлари билан банд. Яхшиямки, ўзи қарайди, бўлмаса, чақалоқ йиғлайвериб, ичи куйиб кетарди. Бу ҳам етмагандек, уч кунга қизиникига кетганида, тинмасдан памперс кийдира-вериб, қорни оғриси, дори беравериб бетоб қилди. Азиза опа: “Ўзининг боласига ҳам шунчалик бемеҳр бўладими одам?!” деб келинини койиб берди. Набирасини эркалаб, парвариш қилди. Келинига қанча ўргатмасин, “ўзидан ортиб” боласига қарашни истамади.

Афсуски, бугун аксар ёшлар бола қарашнинг осон йўлини танлашади. Аслида ғарб мамлакатларида ҳам шундай бўлган ва натижада меҳр кўрмаган болалар ўз ота-оналарига меҳр бермай қўйган.

Сўнгги вақтларда кўплаб жувонлар оналикни ҳис қилмаяпти. Улар вақтини сериалларга сарфлашади, телефонда соатлаб беҳуда ўтиришади, қарабсизки, бола шу билан мактабга чиқади. Бежизга ижтимоий тармоқларда боланинг “Телефон бўлишни истайман, онам менга ҳамиша қарар эди”, деган сўзлари машҳур бўлмади. Ахир ҳадиси шарифда бежиз: **«Ҳар бирингиз мутасаддисиз, ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз. Ҳар бир раҳбар инсонлар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир.**

Эр ўз аҳли аёли ва қўл остидагилар устидан

мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Хотин эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилар учун масъулдир», дейилмаган (Имом Бухорий ривояти).

Аксарият ҳолларда қизларимизни жуда эрта турмушга берамиз. Бироқ улар ҳаётга ва турмушга тайёрни, буни билмаймиз. Уй ишларини эпласа бўлди-да, деймиз. Турмуш қургач, бир йил ўтиб, фарзандли бўлади-ю, она меҳрига зор болалар кўпаяверади. Турмуш ёшига етиш қиз боланинг оилага тайёр эканини белгиламайди. Натижада ажримлар кўпаяди. Ота-оналаримиз ўзaro жанжаллашса, камдан-кам ҳолатларда биздан аламини олишган. Ҳозир эса деярли ҳар бир она боласини “жазолаб” келмоқда. Буни ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган видеолардаги манзараларда кўришимиз мумкин. Она ўз боласини худди катта инсонни ургандек калтаклайди. Шу ҳолатга келгач масъуллар аралашганда айбдорлар кўпаяди. Лекин шу воқеаларни кўриб лоқайд бўлганлар ҳам айбдор эмасми? Муҳокама қилиш осон, бироқ бу билан муаммо





ҳал бўлмайди. Бизнинг билганларимиз шу, билмаганларимиз қанча. Андиша қилиб айтмаганларимиз ҳам бор. Бунинг жавобини қандай берамиз?!

Яқинда кўчада бир она ўғлини ёнига чақирди. Чамаси, биринчи синф ўқувчиси. Бола титраб: “Йўқ, урасиз, урманг!” дейди. Боланинг қалтираб турганини кўриб, калтаклардан безор бўлганини сезиш қийин эмас. Эртага у ҳам, Аллоҳ асрасин, онасини уриши ҳеч гап эмас. Бу каби манзаралар, оналар болаларини катта кўчада, бегоналар олдида “тарбияга” чақириб қўйиши, уриши ёки ҳақорат қилиши кўпайиб кетди. “Боланинг ғурури кўпчиликнинг олдида синмасин, уйга борганда гаплашиб қўяман”, дейдиган оналар саноклигина, назаримизда.

Маълумот ўрнида айтамикки, бир қатор жиноятларни содир этган хавфли шахсларнинг жиноятчи бўлишига оиладаги муҳит сабаб бўларкан. Уларнинг кўпчилиги ҳамиша босим ва қўрқув остида яшаган. Афсуски, ораимизда ана шундай ота-онасидан қўрқиб катта бўлаётган болалар кам эмас. Улар ҳозир гўдак бўлгани учун заиф бўлиши мумкин. Эртага меҳрсиз, ёвуз инсонларга айланмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Меҳр эса энг аввало она сути орқали киради. “Сутим етмаяпти”, “Бола тўймаяпти” деб келинлар фарзанди олдидаги мажбуриятини бажармаётгани, боласи билан, ҳеч бўлмаса мана шу берилган озгина вақтда ҳам бирга бўлмаётгани бор гап. Аслида болани “шиша”да катта қилиш хориж давлатларига хос. Ҳозир оналар чақалоқни қўлига шишани тутқазиб, “ўз ҳузурини” ўйлашмоқда.

Бу борада қайноналар ва оналар ҳам талабчан бўлиши керак. Замон шундай, деганлар замон эмас, инсонлар ўзгаришини билиши лозим. Келинларимизни уй юмушларига эмас, фарзандининг тарбиясига масъул қилайлик. Зеро, Набий алайҳиссалом айтганларидек: **«Ҳеч бир ота (она) ўз фарзандига гўзал одобдан кўра қийматлироқ мерос қолдира олмайди»** (Имом Термизий ривояти).

Раъно ЗОКИРОВА,

Вобкент тумани бош отинойиси

Фотимаи Бардаъия рахматуллоҳи алайҳа

Ардабилда бўлур эрди.
«Айтадиларки, шатҳиёт (сўфийнинг экстаз ҳолатида (важд) – ўзини назорат қила олмай қолган чоғида айтадиган ибора) сўзловчи орифлардан эди». Машойихдин баъзи бу қудсий ҳадис бобида сўз сўрдикки, «Ким Мени эсласа, у билан биргамен». Ул сойил (сўровчи, истовчи) билан соате сўзлар айтти ва сўнгра дедикки, «Зикр шудирким, сен Ҳақни давомли зикр этганинг ҳолда Унинг зикр этганини мушоҳада этасан. Сенинг зикринг Унинг зикрида йўқ бўлиб кетади. Фақат Унинг сени зикр этгани қолади. Орада макон ҳам, замон ҳам бўлмайди».

Алишер НАВОИЙнинг
*“Насойимул-муҳаббат мин
шамойимул-футувват” асаридан*

Маҳзунликка чора бор

“Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” калимасини ихлос билан кўп айтиб юрган киши маҳзунликка учрамайди. Чунки Имом Табароний ва Имом Ҳоким Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни (кўп) айтса, тўқсон тўққиз дардга даво бўлади. Энг енгили ғамдир”**, деганлар.



O'ynaymiz, quvnaymiz, lekin Payg'ambarimiz sevgisini unutmaymiz...

Bahrayn ko'chalaridan biriga bolalar o'ynagani chiqishdi. Chavgon tayoqchalari bilan koptok irg'itib, shodlanib turganlarida qarashsa, nariroqda bir kishi o'tirardi. U bolalarning xursandligi, beozor o'yinlaridan xushnud emasdi. Bir payt koptok o'sha odamning oldiga tushdi. Kishi tabasum qilmadi, koptokni bolalarga irg'itmadi. "Kelinglar, olib ketinglar!" ham demadi. Balki koptokni berishdan bosh tortdi.

Bolalar yalinishti. Lekin u unamadi. Bir bolakay ke- lib: "Sizdan Muhammad sollallohu alayhi va sallam sevgisi haqqi so'rayman, koptokni bizga qaytarib bering" (ya'ni, "Muhammad sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'radigan bo'lsangiz...") dedi. Haligi odam koptokni bermagani yet-

magandek, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni haqoratlay boshladi. Chunki u musulmon emasdi. Bolalar g'azablanib, uning so'zlariga munosib javob qaytarishdi...

Bu voqea Umar ibn Xattob roziyallohu anhunging xalifalik yillarida sodir bo'ldi. Ish musulmonlar foydasiga hal bo'ldi. Shaharlar fathi, musulmonlarni boyitadigan g'animatlar ham Umar roziyallohu anhuni bunchalik xursand qilmagandi. Kishi: "Hozirda Islom yuksaldi, aziz bo'ldi. Albatta, Payg'ambarlarini so'kkaniga bolalarning jahli chiqqan va o'chlarini olishgan", dedi.

Rostgo'ylik – jannat kaliti!

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga bo'lishni xohlasangiz, u zot kabi rostgo'y bo'ling. Shunda insonlar sizga ishonishadi. Odamlar sizga ishonishdimi, demak, oldingizda biror narsa qoldirishsa, ruxsatsiz undan foydalanmaysiz. O'zingizga alo-

qador bo'lmagan gapni eshitib qolsangiz yoki birov sirini aytsa, oshkor etmaydigan omonatdor kishisiz. Siz haqiqiy sodiq zotni yaxshi ko'rasizmi? Unda haqgo'y bo'ling. Zero, rostgo'ylik jannat kalitidir. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytadilar: ***"Albatta, to'g'riso'z bo'lish yaxshilikka boshlaydi, yaxshilik esa jannatga yetaklaydi. Kishi to'g'riso'zlikda davomli bo'lar ekan, Alloh huzurida rostgo'y deb yoziladi. Albatta, yolg'onchilik fujurga va albatta, buzuqlik do'zaxga yetaklaydi. Kishi yolg'on so'zlasi va yolg'onni ixtiyor qilsa, Alloh huzurida yolg'onchi deb yoziladi"*** (Muttafaqun alayh).

Bilinglarki, ey qadrdonlarim, yolg'on – Alloh nazdida eng yomon ko'rilgan illat.

Shirinsuxan- lik – fazilat!

Qadrli bolajonlarim, yomon so'zdan, haqorat va so'kishdan saqlaning. Suyuk-



li Muhammad alayhissalom aytadilar: **“Mo‘min odam yomonlovchi, la‘natlovchi, buzuq va axloqsiz bo‘lmaydi”** (Imom Termiziy rivoyati).

Alloh taolo tilni do‘stlarimizni haqoratlash, birodarlarimizni so‘kish, noxush so‘zlar aytish uchun ato qilmagan. Balki O‘zi rozi bo‘ladigan, foyda beradigan narsalarni so‘zlashimiz va u bilan ehtiyojlarimizni ifodalashimiz, jannatga olib kiradigan, masalan, Allohni zikr qilish, Rasuliga salavat aytish, salom berish, Qur‘on o‘qish, rost so‘zlash, haqni gapirish, nasihat qilish, shukr aytish, ruxsat so‘rash kabi amallarni bajarish uchun bergan.

Rahmliga

Alloh rahm qiladi!

Albatta, musulmon Alloh subhonahu va taolo qush va hayvonlarni faqat O‘zigagina ayon bo‘lgan hikmatlar asosida yaratganini biladi. Hayvonlar orasida bizlar minishda foydalanadiganimiz, yeyish uchun so‘yadiganlarimiz, go‘zalligi bilan bizni hayratga soladiganlari bor. Ayrimlariga qarab esa, Al-

loh bizni eng go‘zal suratda yaratgani, mukarram qilib, aql bergani uchun hamd-u sano aytamiz. Bu hayvonlar va qushlar bilan qanday munosabatda bo‘lishimiz kerak?

Ma‘lumki, qo‘lga o‘rgatilgan, bizga ozor yetkazmay yurgan jonivorlar bor. Yana vahshiy hayvonlar ham borki, ular o‘rmonlar va tog‘larda yashaydi. Bolajonlarim, bir hayvonni bog‘lab, do‘stlari bilan masxaralab, ko‘chalarda qiynab, sudrab yurganlar haqida fikringiz qanday?

Yoki o‘ynash, ozor berish maqsadida qush uyasi-dan polapon yoki tuxumini olgan bola haqida-chi? Yoxud bir hayvonning dumi-ni oyoqlari bilan bosib o‘ynayotgan bola to‘g‘risida nima deysiz? To‘g‘ri. Habibimiz Muhammad alayhissalom bizga bunday o‘rgatmaganlar. Rahmli bo‘ling, shunda Alloh ham sizga rahm qiladi va barcha maxluqlarni hidoyat etuvchi rahmat egasi Muhammad sollallohu alayhi va sallam bilan birga bo‘lishni nasib etadi. Agar qushlar va hayvonlarga azob berayotganlarni ko‘rsangiz, ularga nasihat qiling; o‘sha hayvon yoki qushni zolimlar iskanjasidan xalos eting.

“Kim seni u zotdek yaxshi ko‘radi?” kitobidan
Yulduz KOMILOVA
tarjimasi



Ғанимат ойни қандай ўтказамиз?

«(Эй Муҳаммад!) Биз сизни (бутун) оламларга айни раҳмат қилиб юборганмиз» (Анбиё сураси, 107-оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам туғилган бу ойни ўтказишда алоҳида муҳим тавсиялар берилмаган. Аммо у зотга салавотни кўпайтириш, ҳаётларини ўрганиш улкан савобдир.

Сийратни ўрганинг. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламни севишимиз, эъзозлашимиз ва ҳар биримиз аҳли оиламизга сўзлаб беришимиз даркор. Бу икки дунё саодатига эришишимизга сабабчи бўлади.

Салавотни кўпайтиринг. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўн та салавот айтади”**, дедилар» (Имом Муслим ривояти). «Аллохумма солли ъала саййидина Муҳаммадив ва ъала оли саййидина Муҳаммад».

Суннатни тирилтиринг. Унутилган бир суннатни қайта тиклаш жуда қийматли ва қадрли амал. Бир ҳадиси шарифда: **«Унутилган бир суннатимни қайта тиклаганга юз шаҳид савоби бор»**, деб марҳамат қилинди (Имом Ҳоким ривояти).

Шафоатларини сўраб дуо қилинг. Гуноҳлар кечирилиши ва жаннат аҳлларида бўлишни сўраб, Расули акрам шафоатларидан умидвор ҳолда дуо қилинг.

Ҳадислардан ёд олинг. Ҳадислар Қуръони карим оятларига шарҳ ва изоҳдир. Шариат илмини ўрганиш ўзликни англаш, ҳаёт тарзимизни тўғрилаш ва фарзандлар тарбиясида муҳимдир.

Робия ТОҲИРОВА тайёрлади.



Китоб – ўзликни англаш воситаси

Гулжаҳонга турли расмлари бор китоб олиб беришди. У расмларни томоша қиларкан, китобдаги воқеаларни тезроқ билгиси келарди. Шу қизиқиши сабаб қизалоқ китобга меҳр қўйди ва ана шу муҳаббат унга имкониятлар эшигини очди. Мутолаа сабаб ҳурмат, эътироф ва билимга эга бўлди. Бухоро вилоятидаги “Жўйбори Калон” аёл-қизлар мадрасасида таҳсил олаётган Гулжаҳон Аминжонова кўплаб китоб танловларида қатнашиб, фахрли ўринлар соҳиби бўлиб келмоқда. Китобсевар бу қиз Ўзбекистон муслмонлари идораси тасаруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилаётган “Энг яхши китобхон” танловининг Республика босқичида 2-ўрин соҳибаси бўлди.

– Гулжаҳон, мукофот муборак бўлсин. Биламизки, бу каби танловларда жуда кўплаб китоблар ўқилгани айтилади. Лекин, албатта, фақат ўқиш эмас, уқиш, тушуниш, таҳлил қила олиш керак, шундай эмасми?

– Раҳмат. Китобни севиб ўқиган инсон, уни тушуниши осон бўлади. Китоб бизни фикрлашга ўргатади. Айниқса, ҳаётимиз давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ёки муҳим масалаларнинг ечими айнан уларда жамланган. Сабаби, китоб муаллифлари йиллар давомида тўплаган тажрибаларини ёзиб, уларнинг оқибатларини, ечимларини ҳам беради. Шу боис китоб ўқиган инсоннинг хулқи, муомаласи ва дунёқараши ўз-

гариб бораверади.

Танловда рақобат бўлади. Бироқ ўқиган инсон ундан қўрқмайди. Танловга яхши тайёргарлик кўришга ҳаракат қилдим. Ўқиганларимни устозим билан таҳлил қилдик. Мутолаа тилингизни бойитса, баҳс фикрингизни тиниқлаштиради. Бундан мен танловга тайёргарлик жараёнида англадим.

– Тенгдошларингиз орасида сиз каби китоб мутолаасига қизиқадиганлар бор. Бироқ саноқли. Телефон орқали китоб ўқийман ёки бирор китобни киносини кўриб тушуниб оламан-да, дейишади. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай?

– Электрон китоблар, аввало, саломатлигимизга зарар деб ўйлайман. Сабаби, элек-

трон жиҳозлардан фойдаланишнинг меъёри бор. Агар муддатидан кўп фойдаланилса, аввало, кўз нури шикастланади. Китоб эса ундай эмас. Энг муҳими, саводли бўлишда ҳам асардаги матнлар жуда муҳим. Демак, китоб орқали тўғри сўзлаш, чиройли фикрлаш ва саводли бўлишимиз мумкин. Кинолар эса асарни тўлиғича очиб беролмайди. Ёзувчининг ҳақиқий кечинмалари, қаҳрамонларни ҳис қилишимиз учун мутолаа қилишимиз керак. Агар кино ёки электрон китоблар кучлироқ бўлганда эди, бугун асрдан-асрга ўтиб келаётган китобнинг фойдаси қолмаган бўларди. Шу сабаб ўзлигини англашни истаган ҳар бир инсон китоб мутолаа қилиши лозим. Баъзан оилада ёки жамиятда олмаган тарбияни энг зўр китоб бера олиши мумкин.

– Оилада отадан кўра онанинг илмли бўлиши фарзандларнинг келажига таъсир қилади. Бу ҳақда ҳикматлар ҳам бор. Масалан, “Отаси ўқиганни биттаси ўқиган, онаси ўқиганнинг ҳаммаси ўқиган”, дейишади. Бироқ шундай бўлса-да, ҳали-ҳануз қизларнинг илм олиши масаласида муаммоларимиз



**бор. Уй юмушларини бил-
са бўлди-да, дейишади.
Натижада маърифат-
сиз аёллар сабабли оила-
да ажримлар, фарзанд-
лар тарбиясида ноқис-
ликлар бўлаверади. Бу
ҳақда нима дея оласиз?**

– Дугоналарим орасида ўқимишли, илмлилар кўп. Биз биргаликда кўп баҳс, мунозаралар қиламиз. Айниқса, устозларимиз биз қизлардан кўпроқ мутолани, илм олишни талаб қилишади. Илмга рағбатда муаллималаримизнинг ўрни бекиёс. Китобни қандай ўқиш, биз учун қайси китоб кўпроқ муҳимлигини устозларимиздан ўрганамиз. Тўғри, танишларим орасида сиз айтгандек ўқимайдиганлари ҳам бор. Мен уларни кўпинча тушкун ҳолатда кўраман. Арзимаган муаммога ҳам асабийлашишади. Энг ёмони эса, улар орасида вақтини беҳуда ишларга сарфлаётганлар бор. Отаоналар рўзғор ташвишлари билан фарзандига вақт ажратолмайди. Бироқ илмга, китобга ошно қилиш қийин эмас-ку! Китоб дунёси-

нинг ўзи қизларни тарбиялаши мумкин. Қиз боланинг одоби, муомаласи, исломий масалалар борасида бебаҳо асарларимиз кўп. Шунинг ўқишнинг ўзи ҳам катта манфаат олиб келади. Менинг фикримча, оилада ҳар бир қиз ўқимишли бўлиши керак. Қиз болага уй юмушларини билиш қанчалик зарур бўлса, илм олиш шунчалик муҳим. Бу унинг фақат олий маълумотли бўлиши учунгина эмас, ўзлигини англаши учун ҳам аҳамиятлидир.

Сўнгсўз ўрнида айтмоқчи бўлганимиз, бугун замонавий кутубхоналар, китоб дўконлари ва энг сўнгги нусхадаги бетакрор китоблар кўп. Бироқ китобхона кам. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолганлар, осон пул топиш учун китобдан анча узоқлашиб кетаётганлар борлиги айни ҳақиқат. Биз илмли инсонлар кўпайишини истар эканмиз, бунда қизларимизнинг илмли бўлиши борасида мушоҳада қилишимиз лозим.

Камола АДАШБОВА
суҳбатлашди.

Яхшилик тўхтамайди

Ислом динида ота-онага яхшилик қилиш фақат уларнинг ҳаётлик вақтлари билан чекланиб қолмайди. Балки фарзанд учун ота-онага уларнинг вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилиш имкониятлари мавжуд.

Абу Усайд розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик. Бир одам: “Ё Расулulloх! Мен учун ота-онамга улар дунёдан ўтганларидан кейин қиладиган яхшилик қолдимми?” деб сўради. У зот: **“Ҳа! Тўрт нарса қолди: уларга дуо қилмоғинг, уларга истиғфор айтмоғинг, икковларидан кейин уларнинг ваъдаларини бажармоғинг ва икковлари томонидан сенга қариндош бўлганларга силаи раҳм қилмоғинг”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. «Бир одам: “Ё Расулulloх! Онам вафот этди, васият қилмади. Унинг номидан садақа қилсам бўладими?” деди. У зот: **“Ҳа”**, дедилар» (Имом Насоий ривояти).

Демак, ушбу ҳадисларга кўра, фарзанд вафот этган ота-онасининг ҳаққига қуйидаги яхшиликларни қилиши мумкин:

- 1) ота-онанинг ҳаққига дуо қилиш;
- 2) Аллоҳ таолодан уларнинг гуноҳларини кечиришини сўраш;
- 3) уларнинг ваъдаларини бажариш;
- 4) ота-онанинг қариндошлари ва дўстларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни зиёрат қилиб туриш;
- 5) уларнинг номидан яхши амаллар, садақалар қилиш.



Ғам-андуҳни кетказишнинг

27 йўли

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)***Ўн бешинчи йўл:**

“Аллоҳумма роҳматака аржу. Фала такилни ила нафси торфата айнин. Ва аслиҳ ли шаъни қуллаҳу. Лаа илаҳа илла анта”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сенинг раҳматингни тилайман. Ҳатто қўз очиб-юмгунча вақтга ҳам мени ўз ҳолимга ташлаб қўйма. Барча ишларимни Ўзинг тўғрила. Сендан ўзга илоҳ йўқ”.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом мазкур дуони тушкунлик пайтида ўқиладиган дуолардан деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Ўн олтинчи йўл:

“Ла илаҳа илла Анта. Субҳанака, инни кунту миназ золимиён”.

Маъноси: “Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен покдирсан. Мен золимлардан бўлдим”.

Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизларга, бирортангизга ғам-ташвиш ёки дунё синовларидан бири етганда уни бу ҳолатдан халос этувчи дуони айтиб берайми?”** дедилар. Саҳобалар: “Албатта”, дейишди. Набий алайҳиссалом бундай дедилар: **“Зуннуннинг дуоси: “Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен покдирсан. Мен золимлардан бўлдим” (Имом Ҳоким ривояти).**

Шу ерда савол туғилади: “Нима учун Набий алайҳиссалом Юнус алайҳиссаломнинг дуоларини талаб эмас, балки хабар ифодасида айтмоқдалар?”

Жавоб бундай: Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биродарим Зуннуннинг дуоси: **“Сендан ўзга**

илоҳ йўқ. Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим” (Анбиё сураси, 87-оят). Ғамгин киши ушбу дуони ўқиса, ташвиши арийди”, дедилар». Набий алайҳиссалом оятни дуо деб атадилар. Чунки у дуонинг бир кўринишидир.

“Сендан ўзга илоҳ йўқ”. Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш. Парвардигор ибодат дуоси ва сўраш дуосига лойиқ Зотдир. У Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳдир.

“Мен золимлардан бўлдим” – гуноҳни эътироф этиш. Ушбу эътироф мағфират сўрашни ўз ичига олади. Сўровчи гоҳида ўзининг ҳолини арз этса, гоҳида сўралувчининг сифатларини зикр қилади, гоҳида эса иккисининг ҳолини ҳам васф қилади: **«У: “Раббим, ўзим илмим бўлмаган нарсани Сендан сўрамоқдан паноҳ тилайман. Агар мени мағфират қилмасанг ва менга раҳм кўрсатмасанг, зиён кўргувчилардан бўламан”, деди»** (Ҳуд сураси, 47-оят). Ушбу оятда талаб ифодаси йўқ. Унда банда Аллоҳ таолога ўз ҳолини арз қилмоқда. Агар Парвардигор уни мағфират қилмаса, ҳалок бўлишини айтмоқда.

Аммо бу хабар мағфират ишташни ўз ичига олмоқда. Бу борада Айюб алайҳиссаломнинг сўзлари далил: **«“Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисисан!” деганини эсла»** (Анбиё сураси, 83-оят).

Оятда Айюб алайҳиссалом ўзи, Раббисининг сифатини васф қилиб, шу васф ичида зарарни кетказувчи раҳмат ва сўровни баён этди. Бу хабар ифодаси бўлиб, илтижони ўз ичига олади. Бу сўраш ва дуо қилишда энг яхши одобдир.

Дуо қилаётган ҳожатманд: “Мен очман”, “Мен бетобман”, дейиши керак. Бу сўрашдаги гўзал одобдир. Агар унинг сўзида: “Менга едир”, “Мени тузат” каби сўзлар бўлса, бу талаб ифодаси бўлиб қолади.

Юлдуз АСҚАР қизи таржимаси



Токиода денгиздан оқиб келиб, денгизга қуйилувчи бир дарё бор. Бу дарё шаҳар марказида жойлашгани учун дарёнинг икки қирғоғи одамлар сайр қиладиган, болалар ўйнайдиган сўлим гўшага айлантирилган. Гоҳ-гоҳида китоб ўқиш учун ўша ерга бораман. Бу гал ҳам бордим. Тинч, осойишта жой. Ҳар доимгидек, одамлар сайр қилиб юрибди. Кимдир китоб ўқияпти, кимдир итини сайрга олиб чиққан, кимдир муסיқа тинглаяпти, кимдир югуриш машқларини бажаряпти, бир нечта болалар махсус болалар майдончасида ўйнаяпти.

Болалар майдончасига яқин жойдаги ўриндиққа бориб ўтирдим. Тўсатдан 3-4 ёшлар атрофидаги япон болача югураётиб йиқилиб тушди, у болаларча беғуборлик билан ўксиниб йиғлаяпти. Ўрнидан турмай, кимдир келиб кўтариб турғизиб қўйишини, эркалаб овутишини кутаётганди.

Биз ўзбеклар болажонлигимиздан келиб чиқиб, бегона бўлишидан қатъи назар, дарров ёрдамга ошиқамиз. (Балки бу хатодир, ким билсин!)

Наҳотки, фарзанди йиқилиб, йиғлаб ўтирса-ю, келиб овутмаса?! Нарироқда икки-уч аёл пинагини ҳам бузмади. Уларга қарадим, қайси бириди боланинг онаси эди.

Хуллас, югуриб бориб болакайни турғизиб қўйдим, кийимини қоқиб, овутдим. Шу пайт аёлларнинг бири биз томонга кела бошлади. Фаҳмадимки, у боланинг онаси! Келиб раҳмат айтса керак десам, бақириб-бақириб мени уришиб берди. Нима дейишимни, нима қи-

Японча тарбия усули



лишимни билмай қолдим. Яхшилик қилганимга жавоб шуми?! Кайфиятим бузилиб, жойимга бориб ўтирдим.

Бу ҳолда китоб ҳам ўқиб бўлмайди, сайр ҳам қилиб бўлмайди. Қаердан ҳам шу ишни қилдим, айбсиз айбдор бўлдимми? Ёки ҳақиқатдан ҳам айбдорманми? Шу каби саволлар қийнаб, энди уйга қайтаман деб турганимда, ҳалиги аёл яна мен томонга кела бошлади. Бу сафар сўзига жавобан гапириб ташлайман деб тургандим, аммо у жуда мулойим оҳангда, японларга хос маданият билан гап бошлади:

– Боя бўлиб ўтган воқеа учун чин қалбимдан узр сўрайман. Жуда ҳам яхши, меҳрибон инсон экансиз. Сизни уришмасам ҳам бўларди.

Аммо сизнинг қилган бу хатти-ҳаракатингиз фарзандимнинг келажаги учун, тарбияси учун ёмон таъсир қилар эди.

– Нимага?! Мен ёмон иш қилдимми?! Ёрдам бердим, холос-ку!

– Тўғри, сиз ёрдам қилдингиз. Аммо бир томондан катта зарар ҳам қилдингиз. Болам йиқилиб тушиб, кимдир келиб турғизиб қўйсин, деб йиғлади, мен ёки бошқа одам турғазса, у ўрганиб қолади. Келажақда ҳам бирор қийинчилик бошига тушса, қоқилса, кимнингдир ёрдамини кутиб яшайдиган бўлиб қолади. Ўзининг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган инсон бўлади.

Анчадан бери ўйлайман бу воқеани. Японларнинг нима сабабдан бировдан унча-мунчага ёрдам сўрамаслигининг боиси тушундим. Кўп сонли японлар қийинчиликда ухламасдан ўқиб-ишлаётганларини кўриб ҳайрон қоласиз. Қайсидир акаси, таниш-билишини ишга солиб, бирор-бир ишини ҳал қиляётганларни деярли кўрмайсиз.

Баҳодир ИСКАНДАРОВ,

*Токиода яшовчи
самарқандлик мутахассис*



Фожианинг асл сабабчиси ким?



Аллоҳ таоло ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин инсонга энг меҳрибон зот – онадир. Онанинг фидокорлигини, бутун умрини фарзандларига бағишлаб яшашини, зурриётларини бекаму кўст улғайтиришни ҳаётининг мазмуни деб билишини ҳамма билади. Раббимиз аёлга ана шу фазилатни ато қилиб, жаннат оналар оёғи остида, дея рутбасини баланд қилиб қўйган. Илло, она бор жойда меҳр-муҳаббат, бахту саодат бор. Шунинг учун ҳам инсон зоти яралганидан бери онани улуғлаб келади, оналарга бағишлаб гўзал асарлар ёзади. Бироқ Одам алайҳиссалом авлодларининг энг қалами ўткир ижодкорлари онани мадҳ этиб қиёматга қадар ёзсалар ҳам, унинг ҳаққини адо этиш не демак, балки буюклигини тўлақонли сифатлашга ҳам ожизлик қилдилар ва буни барча бирдек эътироф этади. Аёл – ана шундай буюк сиймо.

Нима учун?

Аммо баъзида аёл номи билан боғлиқ нохушликлар ҳам бўлиб турибдики, бунга асло кўз юмиб бўлмайди. Негаки, Парварди-

горимиз ҳар бир махлуқотни сифати билан яратган. Аёлнинг сифати эса меҳрибонлик, ғамхўрлик, фидокорлик, мулойимликдир. Қачонки у ушбу сифатига мос ҳаракат қилмаса, аёллик рутбасидан айрилиб қолади ва жамиятда кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Сўнги йилларда матбуот саҳифаларида “Аёл боласини сотди”, “Аёл боласини бўғиб ўлдирди”, “Аёл жиноятга қўл урди: фожиада ҳиссамиз қанча?” каби мавзулардаги мақолалар бот-бот эълон қилинмоқда. Ушбу мақолалар сарлавҳасида қўйилаётган дардли саволлар бутун жамиятимизни, хусусан, ҳамияти бор эркакларни жиддий ўйга толдирмоқда...

Глобаллашувда ўзлигини танимаганлар адашади.

Одатда, бундай мудҳиш ҳодисалар юз берганда уларнинг илдизини қидиришни замоннинг тезкорлигидан, глобаллашув, интеграциялашув ва яна бошқа ...шувлар ёки...циялардан бошлаймиз-да. Ота-она, мактаб, маҳалла, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан нега шундай бўлганига ҳайрон бўлиб фикримизни якунлаймиз.

Глобаллашув шароитида ҳамма нарсга гўёки қоришиб кетганга ўхшайди. Айтайлик, минглаб миллатнинг урф-одатлари, анъаналари, тутумлари, одоб-ахлоқи битта экранга жам бўлиб турибди. Шундан ўзиникини топиб олиш учун эса ёшлар ўз миллатининг табиатини таниши керак. Киши танимаган-билмаган нарсасини қандай қилиб ажратиб олади? (Улардан ташқари, тарбиясизлару одоб-ахлоқсизликнинг ҳадди аълосига етганлар ҳар лаҳзада ёшларнинг онгу шуурига чанг солаётир.)

Ёшларимиз миллатимизнинг фазилатини ўрганиши учун нима қилдик?

Бундай қарасангиз, бизда ҳамма ёшлар тарбияси билан машғул: боғча, мактаб, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот органлари, Маънавият ва маърифат маркази, имом-хатиблар, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар...

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, дунёнинг ҳеч қайси мамлакатада ёшлар тарбияси билан бунчалик кўп тузилма шуғулланмайди.

Аммо бизнинг тарбия ёки таъсир кўрсатиш усулимиз қанақа? Энг кучли тарғибот куролларидан бири саналган телевидениеда ёшлар тарбиясига бағишлаб бир кўрсатув ёки суҳбат ташкил қилинади. Унда зиёлилар, ҳаётий тажрибаси кўп одамлар, педагоглар, руҳиятшунослар жон куйдириб гапирадилар. Кейин эса уларнинг айтганларини тўлатўкис инкор қиладиган хорижий сериал намойиш этилади ёки маҳаллий-хорижий хонанда энгил-елпи кийиниб чиқади-да, қилпиллаб қўшиқнамо нарсаси ижро этади.

Бир йили Бўстонликқа қайсидир лагерга боргандик. Спорт мусобақаси ташкил қилинган экан. Телевизорга чиқиб турадиган “машхур” бир аёл хонанда келади, деган гап чиқди. Ўша куни кечгача болаларнинг кўзи унинг йўлида бўлди. Кечки пайт битта машинада икки эркак ва алламбало кийинган икки аёл келди. Ёнидаги дискини қўйиб уч-тўртта қўшиқ айтгандек бўлди. Лагер тарбияланувчилари – ўғил болалар ва қизлар ёшига ярашмаган қилиқлар қилиб рақсга тушишди...

Ёшлар иштирокида ўтган бошқа йиғилишлар ҳам, аксаран, қўлбола юлдузлар иштирокидаги мусиқий дастур билан ниҳоясига етиши расм бўлди. Яъни, бир соат давом этган тарбиявий соатни “юлдуз”чалар бир дақиқада йўққа чиқаради.

Эркак ҳамияти – аёл иффати

Аёлларнинг бундай нохушликларга қўл уриши эркакларнинг ҳамияти пасайиб бораётганига ҳам далолат қилади. Эркак аёлини, опасини, синглисини унчалик рашк қилмай қўйди. Ҳазрати Али розияллоҳу анху: “Шамчироқни ўчиринглар, бегонанинг нигоҳи Фотиманинг соясига тушмасин”, деган эканлар.

Ана ўша жинойт кўчасига кираётган беҳаё аёлларнинг оиласида эркаклар йўқми?! Улар қизларига эҳтиёт бўлса, уни асраб-авайласа, бегона кўзлардан ҳимоя

қилса, шунақа нохушликлар юз берармиди?

Шавкат Мирзиёев бундан тўрт йил бурун Термиздаги «Султон Саодат» мажмуасини зиёрат қилиш чоғида ёшларнинг исломий таълим-тарбиядан узоқ қолганини баҳолаб, “Очиқ айтсак, одамларнинг тарбиясига Ислом нур эканини сингдиrolмадик. Фожиамиз мана шу ерда”, деган эди.

Бинобарин, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деган: “(Эй Муҳаммад,) **мўминларга айтинг, кўзларини** (номахрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар, авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза** (йўлдир). **Албатта Аллоҳ улар қиладиган ишлардан хабардордир. Мўминларга ҳам айтинг, кўзларини** (номахрам эркакларга тикишдан) **тўссинлар, авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!..**” (Нур сураси, 30–31-оятлар).

Қиёс

Мушугимиз болалади. Эр-хотин баъзан унинг болаларини эркалашини кузатиб ўтирамиз. Тўғрироғи, она мушукнинг болаларига меҳрибонлигини, болаларининг унга қараб талпинишини кўриб дам оламиз. Болаларини эмизади, кейин тинкаси қуриб қолади ва чўзилиб ётади, болалари эса эмиб бўлгач, унинг устида ошиб ўйнайди. У ҳайвон эса ўша бемажол ҳолида ҳам оналик бахтини ҳис қилиб роҳатланиб ётади. “Қаранг, – дейди аёлим – шу жониворгина ҳам оналик суруридан маст. Она бўлиш чинакам бахт-да ўзи”.

Инсон зоти интернет, ижтимоий тармоқлар, сериаллар, қўлбола юлдузларга мафтунлик ва ҳоказолар таъсирида баъзида ҳайвондан-да тубанлашаётгани аён. Лекин муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Ана шу саволнинг жавоби аслида жуда ҳам аниқ ва равшан – бола ота-онасидан, устозидан ва бошқалардан кўрқиши мумкин. Лекин уларнинг кўзидан пана жойни топа олади. Аммо Исломни билса, Аллоҳдан ҳаё қиладиган У кўрмайдиган жойни асло топа олмайди. Зеро, ҳадиси шарифда “**Ҳаё – иймондандир!**” дея марҳамат қилинган.

Дамин ЖУМАҚУЛ

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Хуфтондан сўнг Одила Фотимахонимнинг ёнига келди:

– Она, мени ухлатинг, – деди. Фотима уни ўрнига ётқизди. Ёнида ўтирди. Унга ҳар тунги уч калима дарсини такрорлатди:

- Сени ким яратди, қизим?
- Аллоҳ.
- Пайғамбаринг ким?
- Ҳазрати Муҳаммад.
- Дининг нима?
- Ислом.

Дарси битгач, ёноқларидан бир-бир ўпиб:

– Аллоҳ роҳат берсин, тунинг хайрли бўлсин! – деди-да, уйкуга кетишини кутди. Беш дақиқалар ўтиб, Одила ухлаб қолди. Бироздан сўнг Ҳусайн ҳам ухлагач, эрига мурожаат қилди:

– Энди менинг ҳадямга навбат келди. Шу оқшомдан этиборан ҳар оқшом уч бор Ихлос ва бир маротаба Фотиҳа сура-сини, ҳар жума оқшоми Таборакни ўқиб, марҳума қариндошимга бағишлайсиз. Бир камзул бир кун севинтирар, бу ҳа-д-я эса ҳар кун севинтиради.

– Сенинг қариндошинг ўлганми?

– Ҳа! Бир йил аввал.

– Бу ҳақда гапирмагандинг. – Энди гапираман.

– Майли, ўқийман, лекин исми нима қариндошингнинг?

Фотима ғоят сокин овозда деди:

– Хайрия
Бу исмни эшитиши билан Одилбекнинг ранги ўзгарди. Ҳаяжонини билдирмаслик учун минғирлади:

– Хайриями?
– Ҳа, Хайрия. Нега ғалати бўлиб кетдингиз?

– Йўқ, ғалати бўлмадим.
– Мен Хайрия дейишим билан довдирадингиз. Нега?

Одилбек бошини қуйи солди:

– Чунки вафот этган хотинимнинг исми ҳам Хайрия эди, Фотимахоним. Бу гапни қўйиб, сенинг қариндошингга ўтайлик.

– Менинг қариндошим вафот этган хотинингиз Хайриядир. Ҳаққига тиловат қилишингизни истаган қариндошим айнан у.

Одилбекнинг кўзлари ёшланди. Бошини эгди:

– Аммо мен уни унутишга ҳаракат қиляпман.

– Нега? Ахлоқсизмиди?

Одилбек тезлик билан этироз билдирди:

– Йўқ, асло!
– Яхши кўрмасмидингиз? Севмасмидингиз?

Одилбек жон жойидан ушланганди. Севмоқ не дегани? Телбаларча севарди. Чуқур изтироб билан:

– Яхши кўрардим, Фотимахоним. Фақат нега сўрайсан? Нечун кул бўлган дардни қўзғайсан?

– Нечунми? Масалан, Хайрияхоним ҳаёт бўлганида севмасмидингиз? Унутилишига сабаб унинг ўлишими? Бу хонимнинг айби сизга икки шуъладай, нурдай бола туғиб берганими, ҳаётини ҳаётингизга боғлаганими, номусини сизга топширганими, бутун борлиғи билан сизники эдими, сизнинг йўлингизга кўз тикканими? Шуларми унинг унутилишига сабаб?! Айтинг! Нега бу болаларни унутмаяпсиз? Булар фақат сизга оидми ёки ўлгач, вафосиз эри томонидан унутилган Хайрияхонимнинг ҳам уларда ҳаққи борми?

Бу сўзлар Одилбекнинг юрагига ўқдай қадалди, терга ботирди:



– Фотимахоним, бир кўнгилда икки севги бўлурми? Бир инсон икки хотинни ҳам севиши мумкинми?

– Бу кеча ғалати суҳбатлашяпсиз. Мени севиш билан уни севиш орасида қандай муносабат бор? Уни севиш билан, масалан, мазорга бориб, у билан бирга ётасизми? На сиз бундай қила оласиз, на у сиздан буни кутади. Бугун унга бўлган севгингиз Аллоҳдан уни кечиришини сўрашингиз, савобини унга атаб таом тарқатмоғингиз, унга бағишлаб Қуръон ўқимоғингиздир. Ёки марҳумани бошқача тарзда севиш ҳам мумкинми? Мен унга қарши сўзласам, мени уялтириш ўрнига, аксинча йўл тутишингиздан хафа бўлдим. Сизни бундай қиёфада кўришни истамасдим. Аҳдига вафоли бўлмоғингизни хоҳлайман. Сиздан унга нисбатан муруват кутаман.

Одилбекнинг кўзлари ерда бўлгани учун Фотимахоннинг кўзлари ёшланганини кўрмади. Агар уятдан ерга киргудек, ёрилгудек ҳолда бўлмасайди, йиғлаётганини овозидан ҳам билса бўларди. Фақат бунга имкон йўқ эди. Қалби гавҳардан қиммат хоними қаршисида эканини яна бир идрок этиб, у кўрсатган инсоний ибратдан лол қолиб турарди. Бир аёл эрининг ўлган хотинига бу қадар, бу даражада инсонийлик кўрсати-

ши уни лол этганди.

– Уни унутмаслигингиз ҳақида менга сўз бера оласизми?

Одилбек сўз берди. Суҳбат таъсирида бу кеча узоқ вақт ухлай олмади.

Бир кун кейин болаларига бир дондан жун камзул келтирилди. Иккисининг ҳам севинчи сўнгсиз. Уларнинг қувонганини кўрган Фотимахоним:

– Мана, энди мен мамнун бўлдим. Аллоҳ сиздан рози бўлсин, – деди.

Хусайн:

– Она, отам сизга ҳам олиб келадими?

– Албатта, олиб келади. Аммо ҳозир менда бор. Сиз кийсангиз, мен хурсанд бўламан.

Овқатдан сўнг икки бола яшинмачоқ ўйнади. Аввал бири кўзларини юмади, иккинчиси яширинади, сўнгра кўзларини очиб бекингани топади. Яшириниш навбати Одилада. Хусайн кўзларини юмди. Фотимахоним қўлларини очиб, “кел” дея ишора этди.

Айни вақтда Одилбек ҳам шундай қилди. Бола тараддудланди, иккисига тез-тез қараб олди-да, сўнг Фотиманинг қучоғига отилди. Бошини унинг кўксига яшириб, қичқирди:

– Бўлдиини...

Хусайн кўзларини очди ва бир дақиқадан сўнг Одилани топди. Ака-сингилнинг қийқириғи кўкка кўтарилди.

Одилбек сўради:

– Қизим, мен ҳам қучоғимни очдим-ку, нега менга келмадинг?

– Сиз бадбўйсиз, онам – хушбўй. Қизалоқ сигарет исини айтмоқчи эди. Сигаретнинг ёмон ҳиди келганидан отасининг бағрига яширинмади.

– Ростдан ҳам ёмон ҳид келадими мендан, қизим?

– Ростдан! Ишонмасангиз, акамдан сўранг.

Хусайн боши билан тасдиқлади, сўнг яна ўйин бошланди. Одилбек бу ҳолни сўраш учун Фотимахонимга ўғирилди. Кўзларида «Сиз нима дейсиз?» деган маъно бор эди. Фотимахоним:

– Ҳа, афсуски, шундай, ҳидингиз бор. Баъзан одамнинг нафаси қайтади. Отам чекмасди, лекин пиёз, саримсоқ еса, оқшом жомега бормасди, намозни уйда ўқирди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир оқшом: «Ота, азон айтилмоқда», дедим.

«Эшитяпман, қизим. Фақат бу оқшом пиёз едим, жамоатни беҳузур қилмай девдим», деди. Мен эса буни беҳуда деб топдим: «Агар мен бўлсам, пиёз ва саримсоқ учун жомени тарк этмасдим, аммо жоме учун буларни тарк этардим», дедим. Отам жавоб бермади. Аммо шундан кейин у кишининг хом пиёз ва саримсоқ еганини кўрмадим.

(Давоми келгуси сонда.)

Йўлдош ЭШБЕК
таржимаси



Ё насиб!

Китоб ўқишни яхши кўраман. Ҳар бир китоб онгимда, шууримда турфа тақдирлар ҳақида тафаккур учқунларини шуълалантирди. Асарлар қаҳрамонларининг хатолари, тўғри йўлни топиш учун қилган ҳаракатлари кўп ҳолларда умр йўлларимда манфаатли бўлади.

Яқинда Усмон Сунгур Екен қаламига мансуб “Ё насиб!” номли китобни ўқиб чиқдим. Асар ёш қиз – Ҳиронинг оддийгина фоний севгисидан бошланиб, илоҳий ишқ сари босиб ўтган йўли ҳақида.

Воқеликдан қисқа хабардор қилсам: «Ҳиро ёлғиз онаси билан яшайдиган оддийгина ўсмир қиз, хайрия ишларида бир йигитни – Юсуфни кўриб, уни ёқтириб қолади. Бироқ тез фурсатда Юсуфни йўқотиб қўяди. Шундан сўнг у берган маърузалар дискини фақат унинг овозини эшитиш учунгина тинглайди. Кейинроқ эса маҳзунлик ва бўшлиқдан иборат ҳаётини тўлдириш мақсадида юзаки билган динини ўрга-

нишга киришади. Асарда бу қарорга келиши чиройли монолог тарзида бундай ёритилган: “Юрак ёниб тураркан, насиб дея сабр айламоқ қанчалар мушкул...

Яра ичра Ёрни кўрмоқдир сабр!

Сабр қил, кўнглим! Кутганни куттирган Аллоҳдир!

Сабр қил, таваккул эт ва Унга суян!

Сен кўнглингни Раббингга тутки, Унга кўра инъом этсин!”

Ҳиро шу тарзда илм олишни бошлайди, Ҳақни танийди, Унга ошиқ бўлади. Орзу-умид қилгани Каъбага – Аллоҳнинг байтига етганида яна қийин синовни бошидан кечиради. “Бахтли тасодиф” туфайли умра сафарида унинг гуруҳига раҳбарлик қилади. Басират кўзи очилиб улгурган Ҳиро эса бунинг шунчаки “бахтли тасодиф” эмаслигини, Аллоҳ таолонинг қаттиқ синови, иймонини янада сайқаллаш учун олдида чиқарган бир имтиҳон эканлигини англаб етади. Бу борадаги Ҳиронинг ўйларини бир тингланг: “Ё насиб... Имтиҳонсан, Юсуф... Жуда оғир имтиҳон... Қочиб қутулиб бўлмайдиган, сўндирсам-да, кулидан чўғ бўлиб алангаланадиган гулхансан сен...

...Буларнинг бари тасодиф эмас, Раббинг сени кузатмоқда ва сени синамоқда...”

Шу ўринда Ҳирога ҳам, унинг онасига ҳам ҳавасим келди. Унга гўзал тақдир инъом этган Аллоҳ таолога ҳамд айтдим. Ва бир муддат қалбим оғринди. Хўш, бизнинг қизларимизнинг ҳоли нечук? Улар нега кўнгилларига тушган муҳаббат эмас, илк ҳавас учун номусини бой бериб қўймоқдалар.

Нега бугун жамиятимизда зино кўпаймоқда? Ҳали она сути оғзидан кетмаган қизлар булғаниб, гуноҳнинг энг катта кўчасига кириб улгурган. Бу кўчанинг охири эса аксар ҳолларда ўзининг ношаръий боласини ўлдиришдек жирканч жиноят билан якун топмоқда. Шайтоннинг сўзига кириб гуноҳга ботгани бир масала, бегонани эмас ўз жигаргўшасини ўз қўллари билан ўлдириши алоҳида масала, кейин эса ҳеч нарса бўлма-



гандек, кир қалб ва гуноҳкор бадан билан бу дунёда яшаб, бошқа болаларига “меҳрибон она” бўлиши айри масала.

Асарни ўқир эканман, жамиятимиз ёш авлодни бой бериб қўяётганини, уларни биз эмас, ривожланган техника, ғарбдан кириб келган оммавий маданият тарбиялаётганини тушуниб етдим.

Биз қачон болаларимизга бу дунё ҳаёти имтиҳон эканини, ҳар он, ҳар дақиқа Яратувчи Зот бизни кузатиб турганини, синаётганини уқтирсак, уларни бу дунёнинг ўткинчи ҳавасларига қарши иймон иммунитет билан “эмлай” олсаккина бир оз бу муаммолар барҳам топади.

Асарда Ҳиро Юсуфнинг узугини кўргач, қалби чилпарчин бўлади. Ҳар кун унинг қаршисида туриб, динни ўрганаркан ҳам ўзи билан, ҳам нафси билан қаттиқ кураш олиб боради. Энг қийин ҳолларда “Ё насиб” дея олади. Кишини севинтирадиган жиҳат эса унинг насибаси ўша ўзи илк онлардан севиб, Аллоҳдан йиғлаб сўрагани Юсуф бўлиб чиқади. Йигит ўзини аёллар фитнасидан ҳимоялаш учунгина никоҳ узугини тақиб юргани маълум бўлади. Шу ўринда, яна қалбим оғринди. Бизнинг йигитлар ҳам Юсуфдек, динни ўрганишга рағбат кўрсатиб, ўзини нафсининг ва аёлларнинг фитналаридан сақлашга ҳаракат қиладиларми?!

Гуноҳ қилаётган 13 ёшли қизнинг шериги синфдоши ёки тенгдоши! Ҳали динни яхши ўрганмасдан, бироқ турли жирканч фильму интернет таъсирида нозик маҳрам масалаларни “сув қилиб ичиб юборган”. Нега болаларимиз бугун техника ютуқларидан билим олиш, касб ўрганиш ёки келажакни куриш учун эмас, нафсининг кўйида юриш учун фойдаланишяпти?! Бугунги айрим ота-оналарнинг ўзлари уларга шундай ўрнак бўлишяпти. Ота кун бўйи телевизор қаршисида. Фильмнинг бешарм саҳналаридан кўз узмай ўтирибди. Оналарнинг ҳоли ҳам хурсанд бўларли эмас... Шу сабабли ҳеч нарсани билмаган гўдак гулларни пай-



хон қилаётган ўғилларимиз на Юсуф бўла оладилар, озгина алдамчи муҳаббат, ёлғон ширин сўзга учиб жисму жонини қурбон қилиб юбораётган қизларимизнинг қўлидан на Ҳиролик келади...

Намозни қазо қилмай ўқиётган, вақтини бесамар ўтказмаган, ҳар ишни аввал диннинг тарозусида ўлчаб, бу ўлчовга сиғмаса, нафсига оғир келса ҳам, воз кеча олган ота-онани кўрган фарзандлардан Ҳирою Юсуфлар етишиб чиқади. Демак, ишимиз, аввало, биз ўзимизни ислоҳ қилишимиз лозим.

Азиз журналхон, сўнгги сўз ўрнида сизга шуни айтмоқчиман. Балиқ қорнидан қутулиш учун Юнус, зиндондан озод бўлиш учун Юсуф, фаришталар ҳам ҳаё қилиши учун Усмон, бўрилар ҳам сурувга оралашдан кўрқиши учун Умар, аҳли байтдан дея таърифланиш учун феълан Салмон, дунё молини қалбга киргизиб олмаслик учун қалбан Абу Дардо, умрбод ардоқланиш учун Хадича бўлиш лозим бўлганидек, мўмин ҳолда яшай олиш учун Аллоҳнинг тақдирига “Ё насиб!” дея олиш керак!

Мен асарни ўқиб бўлгач, ҳар ҳолимга, ҳар онимга “Ё насиб!...” дейишни ўргандим...

Ё насиб, дейлик ва диндан узоқлашмайлик.

Нигора АБДУМУХТОР қизи

Бомдоднинг шифобахш хусусияти

Ҳисом Муваафий айтади: «Бомдод намозини адо этиш жисмга стенокардия (юракка борувчи қон оқими ёмонлашганда кўрак соҳасида пайдо бўлувчи оғрик) ва турли тиқилмалардан ҳимоядир.

Тонгда уйғониб, сўнгра уйқуга ётадиган кишида қон ивиши сабабидан юзага келадиган модда танасидан йўқолиб, сўрилиб кетади. Сўнгра жисм яхши ҳолатига қайтади. Шу боис азонда: «Ас-солату хойрун минан навм», яъни намоз уйқудан афзалдир, дейилган. Субҳоналлоҳ!

Ўтириб, илиқ сув ичинг

Мутахассислар жазирамада кўпроқ сув ичишни тавсия этади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичимликни (ўтириб ичар), ичишда уч марта нафас олар эдилар (Имом Муслим ривояти).

Доктор Абдураззоқ Киликий айтади: «Сувни ўтириб ичиш соғлиқ учун фойдалидир. Бунда инсоннинг ошқозони тинч ва бўшашган ҳолатда бўлади, ўтириб ичилганда сув аввал ошқозонга тушиб, кис-

лотали муҳит билан қоришади, сўнгра организмдаги микробларни тозалайди ва ўн икки бармоқли ичакка ўтади. Бу инсон организмни турли касалликлардан ҳимояланашига сабаб бўлади. Инсон тик туриб сув ичганда эса, сув тўғридан-тўғри ўн икки бармоқли ичакка ўтади. Бу инсон саломатлиги учун зарарлидир».

Зайнаб НОСИРОВА
тайёрлади.

Холиқ зотнинг мўъжизаси

Фақат хурмо ва сув истеъмол қилиб бўлса-да, яшай оласиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «...**Хурмоси бўлмаган хонадон аҳли очдир**», деганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Можа ривояти).

Хурмо таркибида 23 хил аминокислота бор.

Масалан, триптофан аминокислотаси миянинг функционал ва рухий ҳолатини меъёрада ушлаб туради. Тинчлантирувчи ва бироз уйқу чақирувчи хусусиятга эга. Натижада мия ҳужайралари фаолияти тезлашади, склероз олди олинади.

Глютамин аминокислотаси ошқозон кислотасини (ширасини) камайтиради.

Хурмо таркибидаги глюкоза ва фруктоза (26–55 фоиз) витамин В5 билан организмда фаол сўрилиб, очлик ҳиссини йўқотади, жисмоний қувватни оширади. Мия ва асаб тизими фаолиятини тўлиқ тиклайди.

Бошқа мевалар каби хурмо таркибида холестерин сақланмайди.

Олимларнинг фикрича, бир кунда 10 дона хурмо еса, одамнинг суткалик магний, мис, олтингугурт, темир, кальцийга эҳтиёжи қопланади. Эътибор беринг, фақат хурмо ва сув билан инсон бемалол бир неча йил яшаши мумкин.

Демак, хурмо – бу таом, дори, ширинлик ва шарбатдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Нонни эъзозланглар. Чунки у Аллоҳ таолонинг осмон баракотларидан бўлиши билан бирга, ернинг баракотли неъматларидан ҳамдир”**, дедилар (Имом Ҳоким ривояти).



НОЗИК МЕҲМОН

Ҳуш келдинг, жоним қизим,
Қудаларим омонми?
Ташрифдан мақсадинг не:
Сен яхшилик томонми?

Оиланг тинчми, қизим?
Илоё, тинчлик бўлсин!
Яшанглар аҳил-иноқ,
Уйларинг бахтга тўлсин!

Қадаминг қутлуғ бўлсин,
Тинчлик бўлса – бўлгани.
Келиб турганинг яхши
Бизни тез-тез кўргани.

Невараларим қани?
Нега сен келдинг ёлғиз?
Жонга пайванддир улар –
Биз учун ҳам ўғил-қиз.

Саид ВАЛИ,
Зомин, Пешағор